

АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ

# ДИЛ ГАВҲАРИ

*Публицистик дoston, эсселар ва бадиалар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001

Ватан таърифига Сўз ожиз. Ватанни баралла куйлаш учун овоз етмайди. Ҳар қандай мукамал таърифга эса Ватан сиймайди. Ватан буюк! Ватан улуг!

Ёзувчи ва публицист Ашгурали Жўраев янги тўпламида Мустақил ва озод Ўзбекистон манзараларини, ҳур Ватан тимсолларини чизишга ҳаракат қилади. Мустақиллик берган бетакрор маънавий неъматларни, улкан ўзгаришларни таърифлашга интилади. Ва қаламга олинган сатрлар ҳарорати китобхон қалбига кўчишини ис-тайди.

**Жўраев, Ашгурали.**

Дил гавҳари: Публицистик дoston, эсселар ва бадиалар. — Т.: «Шарқ», 2001. 80 б.

**ББК 65.9(5У)**

**Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг  
10 йиллигига бағишлайман**

**ЖОНУ ЖАҲОНИМСАН, ВАТАНИ!**

**Публицистик достон**

Улуғ Ватанимиз ҳақида, унинг қувончу изтироблари, дарду ташвишлари, орзу-армонлари ва буюк неъмат — мустақиллик кунлари ҳақида ҳеч бир ижодкор машҳур шоирларимиз — Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовчалик кўп ва ҳўб ёзган эмас. Мен уларнинг гўзал ва бетакрор шеърларидан ҳайратга тушиб, уларга ҳавас қилиб ушбуларни битдим. Ва ёзганларимни барча Ватан фидойиларига бағишладим.

*Муаллиф.*

Ватан — у менинг жону таним, сажда-гоҳимдур, у менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззагим, шарафим, Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир.

*Фитрат.*

Ватан — ўзи нима?  
Ватан сўзи нима?  
Ватаннинг асл илдизи қаердан бошланади?  
Асл илдизи қаерда Ватаннинг?  
Ватаннинг мукамал таърифи борми?  
Ватан таърифига сўз ожиз.  
Қаламнинг кучи етмайди **ГАМАРҲОН**  
Энг гўзал ташбеҳларга,  
Энг зўр таърифларга,  
Энг авжли қўшиқларга  
Ватан асло сифмайди...

Ернинг ватани само, коинот,  
 Тошнинг ватани тоғу чўққилар.  
 Дарахтнинг ватани боғу далалар,  
 Сувнинг ватани денгиз-дарёлар.  
 Майсанинг ватани тупроғу қирлар.  
 Инсоннинг Ватани киндик қони томган жой.  
 Алла эшитган она-маскани!  
 Эй инсон, Ватан ҳақида тўлиб-тўлиб,  
 Жўшиб-жўшиб, яйраб-яйраб айт!  
 Мардона туриб айт,  
 Жасорат билан айт,  
 Ботирлик билан айт,  
 Аҳиллик билан айт.  
 Елкадош бўлиб айт,  
 Дилдош бўлиб айт!  
 Токи,  
 Юрагинг юрагингга сифмасин, тошсин,  
 Юрагинг Ватаннинг осмонига айлансин,  
 Юрагинг Ватаннинг қалқонига айлансин,  
 Юрагинг Ватаннинг жон-жонига айлансин.  
 Токи,  
 Жонинг шу Ватанга жон бўлиб кетсин,  
 Ватан деса, шарафинг-да шон бўлиб кетсин.

Ватанга бўлган ҳақиқий муҳаббат, онага бўлган буюк муҳаббат сингари ҳеч қачон ўзгармайди. Муқаддас Ватанни ақлан ва қалбан англаб етмоқ, Ватан туйғусини жонга, жондан қонга пайваста этмоқ ҳар биримиз учун улуғ шарафдир. Бу ёруғ дунёда инсон учун Ватанни англаш, англаб ардоқлаш, ардоқлаб севиш, севиб фидойилик қилиш, жасорат кўрсатишдан ва Ватан бағрига сингиб кетишдан бўлак буюк бахт-саодат йўқ!

*Ватаннинг гули ҳам, тикани ҳам бирдек азиз.  
 Ватаннинг боғи ҳам, чўли ҳам бирдек муқаддас.*

**Б о б о м:** «Ватан — қаҳрамонлик ва жасорат туйфайли мангу барқарор бўлади, илм ва маънавият бир-ла камолга етади», деб қайта-қайта ўргатганлар.

**О т а м:** «Ватан — ботир, енгилмас ўғлонларни севади, эътиқодли ва ҳақиқатпарвар фуқаролари билан мағрурлик касб этади», деб такрор-такрор айтганлар.

**М о м о м:** «Ватан — меҳр-муҳаббатга, яхшилик ва иймонда. Ватанга хиёнат қилганлар, Ватанни сотганлар охир-оқибат хор бўладилар. Оллоҳнинг қарғишига учрайдилар», деб қайта-қайта огоҳлантирганлар.

О н а м: «Ватан — тинчлик билан абадий, аҳиллик туфайли улуғвор ва умрбоқий, баҳодир ўғлонлари билан енгилмасдир», дея мудом дуо қилганлар.

Д ў с т и м: «Ватан — сен билан менинг иймонимиз бутунлиги, елкадош ва дилдошлигимиз туфайли янада юксалади, обод бўлади. Мустақиллигимиз умрбоқийлиги бир тану бир жон бўлишимизда», дея даъват этади.

Шунда яна теран ва чуқур англаб етдимки, Ватан менинг жонимда экан. Жондаги Ватан — бу мустақил Ўзбекистон!

\* \* \*

Ватанни чин муҳаббат билан сева олиш ҳам юксак истеъдод, ватанпарвар бўлиш эса — жасорат. Ватан равнақи учун ҳар куни ёки ҳар лаҳзада бирор фойда келтириш — ҳақиқий ватанпарварнинг шарафли бурчидир.

Собиқ шўролар тузуми даврида ҳақиқий Ватанизми кўрқув ва ҳадик билан севардик. Айниқса, қатағон йилларида уни улуғлаш, мадҳ этишдан тилларимиз ожиз, дилларимиз тўла дард, алам эди. Ҳаммамиз жўр бўлиб «Бизнинг манзилимиз Совет Иттифоқи» деган машҳур ашулани баралла айтардик. «СССР — менинг Ватаним» мавзуида иншолар битиб, кўрик-танловлар ўтказардик. Лекин қалбимизнинг бир чеккасида буларнинг бари сохта, омонат эканлигини билиб, сезиб турардик. Оташин шоир Чўлпон ёзганидек:

*Қуш бечора кўрқадирким, уясидан айиргайлар.  
Уясидан айирмоқ-ла қанотини қайиргайлар...*

Э, воҳ, не-не улкан қанотлар қайрилди, не-не зарбадаст қанотлар қирқилди, не-не ёш қанотлар бевақт барҳам еди. Хуллас, Ватан озодлиги, ҳурлиги, истиқлоли учун парвозга шайланган катта-кичик қанотлар борки, зўравонлик ва зулм қайчилари исканжасида қолди. Қанотлари қирқилгач, уларнинг аксарияти қатл қилинди, кўпчилигининг умри темир панжаралар ортида ўтди.

Қатағон ўт кетиб лов-лов ёнаётган ўрмонга ўхшайди. Қатағон оловида ҳўлу-қуруқ баробар ёнаверади... Ҳатто куллар куйиб кулга айланади. Ватан тупроғида ҳасратли култепалар пайдо бўлади. Ҳар қандай зулм-

нинг, ҳар қандай қатағоннинг чегараси, сўнги макони, нуқтаси бор. Ватанни жони билан, қони билан ҳимоя қилганлар ҳеч қачон унутилмайди. Қаттол тузумлар ўтаверади, лекин тарих кўзгусида Ватан мангулигича қолаверади. Бунга Ўзбекистон тақдири ёрқин мисолдир.

Ўзбек халқининг пешонасига ҳам нузли ва ҳурли кунлар битилган экан. У озодлик учун асл ва мард фарзандларидан айрилди. Босқинчилар бойликларини аёвсиз таладилар. Уни бўйсундирмоқчи бўлиб, зўр бериб бўйнига кишан кийдиришга уриндилар. Лекин халқ сабрли эди. Сабри метиндан мустаҳкам, тоғдан қудратли эди. Уни қиёматли кунлардан, қатағон йилларидан фақат САБР асраб қолди. Ана шу буюк сабрга яраша Оллоҳ унга озодликнинг жамолини кўрсатди...

1991 йил 31 август — Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи қалбида ва хотирасида абадул-абад муҳрланиб қоладиган муборак тарихий сана. Шу кун Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди. Бу ҳақиқий жасорат, чин қаҳрамонлик эди. Бу муқаддас сўз бир лаҳзада айтилган бўлсада, сўнг у асрларнинг тотли мевасига айланди.

**Мустақиллик!**

Бу қутлуғ сўз бўрон эди — мудроқ элни уйғотди.

Бу ўтлиғ сўз чақмоқ эди — қарахт дилни уйғотди.

Бу жўшқин сўз шамшир эди — юрак-юракларни уйғотди.

Бу тошқин сўз олов эди — ўзбек, Ўзбекистонни уйғотди.

**Мустақиллик!**

Бу сўз — асрий орзуимиз эди, ушалгани рост бўлсин!

Бу сўз — ёвга қасосимиз эди, бўшалгани рост бўлсин!

Бу сўз — ору номусимиз эди, қўшилгани рост бўлсин!

Бу сўз — ўзу ўзлимиз эди, боқийлиги рост бўлсин!

**Мустақиллик!**

Бу сўз — бизга озодликни мўл берди,

Бу сўз — бизга тенглик берди, нур берди,

Бу сўз — бизга кенглик берди, қўр берди,

Бу сўз — бизга тинчлик берди, дур берди.

Мустақиллик халқимиз онгида, юрагида Ватан тушунчасини батамом ўзгартириб юборди. Ватан мустақиллиги эълон қилинган тарихий кунда фақат қалблар эмас, балки бутун вужудимиз, жонимиз қувончдан ларзага келди. Озод Ватаннинг муборак ва қутлуғ жамолини кўрсатгани учун Оллоҳга минг бора шукроналар айтдик.

Энди онани асрагандек, фарзандни асрагандек, Ватанни асрагандек бу муқаддас сўзни мангу асрамоқ керак. Бу сўз бизнинг серқуёш еримиз, зилол сувимиз, бебаҳо нонимиз, тўкин боғимиз, тинч ҳаётимиз. Бу сўз энди ўзимиз, ўзлигимиздир.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон қайта туғилди, тарихимиз тирилди, ўзлигимиз ўнгланди, Миллат сифатида яна қад ростладик.

*Буюк Амир Темурга қайтиш — ВАТАНга қайтишдир.*

*Имом ал-Бухорийга қайтиш — ИМОНга қайтишдир.*

*Жалолиддин Мангубердига қайтиш — БОТИРЛИКка қайтишдир.*

*Қодирий, Чўлпон Фитратга қайтиш — ОЗОДЛИКка қайтишдир.*

Ватанимиз Мустақиллик нури остида Имон, Ботирлик, Озодлик, Маънавият билан абадул-абад мустаҳкам бўлиб қолади. Бунга асло шубҳа йўқ!

\* \* \*

Жалолиддин Мангуберди — мангу бўлди кўксимда,  
Жалолиддин жасорати мангу порлар кўзимда,  
Жалолиддин куч-қудратин ҳис этаман ўзимда,  
Жалолиддин қони қонда, сўзи эса сўзимда.

Э, буюк она халқим, сен киндик қонинг тўкилган — куёш нурини эмган саховатли тупрофингни жуда-жуда яхши кўрасан. Сермева ҳовлингни, бир парча ерингни яхши кўрасан. Жонажон далангни, пахтангни, буғдойингни, қўй-ю кўзингни, дашту яйловларингни яхши кўрасан. Тўйни, тантанани, даврани, ўйин-кулгини яхши кўрасан. Топган-тутганингни, йиғиб-йиғиштирганингни қўшнинг билан, дўсту ёринг билан, маҳалла ва элинг билан баҳам кўрасан. Дастурхонинг қалбингдай очиқ — тўкин-сочин, меҳр-муҳаббатингдай тўлиб тошган. Тантисан, мардсан! Гуруринг тоғдай баланд! Сен рўйи заминнинг тўкин дастурхонига ўхшайсан. Илоё, шу очиқ дастурхондаги ризқимиз ҳамиша бутун бўлсин!

Энг муҳими:

Сен волидангни яхши кўрасан — уни бошингга кўтарасан, пойини ўпасан, изларидаги гардни юзларингга суртасан.

Сен падари бузрукворингни яхши кўрасан — уни тоғдай улуглайсан, гурурланасан, қадрини баланд тутасан!

Сен фарзандингни яхши кўрасан — унга доимо парвонасан.

Сен Ватанингни яхши кўрасан — унга жонингни қалқон қиласан.

Ватан буюк, Ватан улуг, Ватан мангу! Ватан жону жаҳонимсан.

Сен туғилганда аллалайдиган бешигимсан, мангу бош қўядиган болишим — мангу маконимсан, Ватан!

*Ватан — тупроғингнинг гарди бўлайин,  
Ватан — соғ жонингни гарди бўлайин.  
Ватан, гар чорласанг ҳар дам, ҳар қачон,  
Ортда эмас, олдиндаги марди бўлайин.*

\* \* \*

*Бир кафтида пахтаси бор, бир кафтида дони бор.  
Олтину газ, нефть тўла гарё-гарё кони бор.  
Фельдаг кенг дастурхонда доим бутун нони бор.  
Дунё ҳавас қилса арзир — мустаҳкам имони бор.*

Имонли инсон, имонли миллат, имонли юрт — енгилмасдир. Имони бутунларгина Ватанни жонидай севади, ардоқлайди, асрайди. Ватаннинг яхши-ёмон кунларига қалқон бўлади. Миллатнинг маънавияти, маърифати ва маданияти имон нури билан намоён бўлади, имон нури билан дилларни равшан этади, имон нури билан нурли келажакка бошлайди.

*Пахтанинг гулида Ватан акси бор,  
Меҳнатнинг зарбида Ватан саси бор.  
Дехқоннинг метиндек кафтларига боқ,  
Унинг ҳар бир чизигида Ватан рамзи бор.*

\* \* \*

Дунё ва Ўзбекистон!

Энди сен мустақил мамлакат сифатида, озод диёр тимсолида жаҳон харитасида, дунё кўзгусида қуёшдай порлай бошладинг. Тўлин ой мисоли очилдинг, юлдузлардай сочилдинг. Сенинг борлигингни дунё билди,



дунё таниди. Дунё сени озод ва мустақил кўриб қучоқ очди.

Гарб сени кўриб севинди, Шарқ яйради...

Сен дунёнинг йирик-йирик саҳналарига қаддингни тик тутиб ўз овозинг ўз тараққиёт йўлинг ва мардона сўзинг билан дадил бораётирсан. Сени илдизлари жуда қадим тарихинг, буюк маданиятинг ва ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакнинг бор. Журъатли ва жасоратли қадамларинг муборак бўлсин, азиз Ватаним — Ўзбекистоним! Илоё, жаҳон узра кўрсатаётган жамолингга кўз тегмасин. Ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ҳамиша Оллоҳим асрасин. Тумор бўлай бўйларингга Ватаним! Хумор бўлай тўйларингга Ватаним!

*Бизни ўзбек дейдилар, ҳур Ўзбекистон дейдилар,  
Тангиликда тенги йўқ марду майдон дейдилар.  
Миллат шаънин улуғлаб тоза виждон дейдилар.  
Яхши ёмон қунларга чин меҳрибон дейдилар.*

Меҳр-оқибатни аслида ўзбеклардан ўрганиш керак. Шарм-ҳаё, уят халқимизнинг қонига сингиб кетган. Сабр-тоқатда эса метиндан ҳам мустаҳкам. Тинчликни нондай азиз, деб билади, боласидай яқин кўради.

Феъли гоҳ Амудай сокин, босиқ, теран, гоҳ Сирдай тиниқ, тоза, гоҳо эса Зарафшондай жиловлаш қийин...

\* \* \*

Йўлбошчимиз айтганидек: «Бугунги қийинчиликлар ўтар, гирдоблар тинар Ватан қолади. Халқ қолади. Диёнат, иймон, меҳр-оқибат ўзгармасдир». Шундай бебаҳо ва қудратли Ватан учун шундай танги, фидойи, жафокаш ва меҳнаткаш халқ учун қанчалар фидойилик қилсанг, қанчалар ёниб яшасанг арзийди. Диёнати, иймони, эътиқоди мустаҳкам халқнинг Ватани ҳам энгилмасдир. Аслида Ватанимизни ҳеч ким ҳеч қачон енга олмаган. Ҳатто зулм ва зўравонликка асосланган собиқ шўродай империяни ҳам беғуноҳ жазоланган, айбсиз қатағон қилинганларнинг руҳи, қўрқув ва таҳликада яшаган халқларнинг оху зори охир-оқибат парчалади, етмиш йиллик зулм занжирлари узилди, фақат Ватан қолди, буюк миллат қолди. Ўзбек, Ўзбекистон мангудир. Энди бўйинларимиз, елкаларимиз, онгу-шууримиз собиқ шўронинг зулм иплари билан боғланган сиёсий бўйинтуруғидан озод бўлди.

Бўйнига оғир ва занжирдек мустаҳкам бўйинтуруқ

тақилган ожиз ҳайвонни кўрганмисиз? У қанчалик асов, шиддаткор бўлмасин, барибир бўйинтуруқ уни ёввош ва итоаткор қилиб қўйган. Истаган томонга буриш, ҳайдаш мумкин шўрлик ҳайвонни. Бўйинтуруқ нафақат ҳайвонлар балки одамлар учун ҳам жабрзулмнинг энг даҳшатли намунасидир.

*Бўйинтуруқ — озодлик ва ҳурликнинг ашаддий  
кушангаси.*

*Бўйинтуруқ — эркинлик ва озодлик йўлидаги  
муштақкам юв.*

*Бўйинтуруқ — ғурур ва жасоратни мавҳ этиш учун  
босилган тамға.*

Бўйинтуруқ — инсоният бошига мудом кулфат ёмғирини ёғдирадиган қора булут, қора кўланка, сиёсий эгов.

Бўйинтуруқ ҳар қандай ғурурли, ор-номусли миллатнинг қадр-қимматини топтайди, қаддини букади, ўзлигини поймол этади.

Фидойи юртбошимиз халқимизни қайтиб зулм бўйинтуруғига тушмасликка чақиряпти, зўравонлик бўйинтуруғини тақмасликка қайта-қайта даъват эта-япти. «Озод бўлсанг — озод бўл, эркин бўлсанг — эркин бўл, мустақил бўлсанг — мустақил бўл!» — дедоқда.

Энди мустақиллик, истиқлол, ҳурлик ва озодлик бизга абадул-абад бўйинтумор бўлсин.

\* \* \*

Аёл эъзозланган, аёл ардоқланган юртда аввало инсоф, диёнат барқарор бўлади, миллат ғурури юксалади.

Аёл улуғланган юртда жасур, мард ўғлонлар, шижоатли, шарм-ҳаёли қизлар вояга етади. Алпомишлар, Барчинойлар туғилади.

Аёл — Ватан суюнчи, Ватаннинг балогардони, Ватаннинг кўзmunчоғи.

*Бу юртда оила — Ватан таянчи, миллат кўрғони.*

*Бу юртда оила — маънавият бешиги, тинчлик  
тарафдори.*

*Бу юртда оила — камолот бешиги, саодат маскани.*

*Бу юртда оила — аҳиллик майдони, эл-юртнинг шаъни.*

*Бу юртда оила — ор-номус минбари, чинорнинг ёши.*

*Мудом нур сочиб, мангу порлайверсин оила кўёши.*

Бугун улкан қурилишлар, гўзал ўзгаришлар майдонига айланган Тошкентга термулиб тўймайсан. Пойтахт жамолидан кўзлар қамашади, диллар яйрайди, гурур ўсади.

Самарқандни кўриб Зарафшондай тўлиб-тошасан. Бухоро ва Хоразмни кўриб Амудай жўшасан, Фарғона водийсини кўриб Сирдай қалқиб қалқиб оқасан. Қорақалпоқ ва Навоий, Қашқадарё ва Сурхон диёри, Жиззах ва Сирдарё жамолини кўриб кўзларинг тўймайди, қалбларда қувонч тўлқинланади. Бу улкан ўзгаришларда мустақиллик жилолари, озодлик манзаралари, ҳурлик ранглари ўзининг асрий ифодаларини топяпти. Бу беқийёс ўзгаришлар руҳингга рух, гурурингга гурур қўшади, қаддингни баланд тутишга, тенглар ичра тенг юришга ундайди, озод ва ҳурлигимизни ҳар лаҳзада эслатиб туради.

Ўзбекистон чиройи дунёни мафтун этмоқда. Дунё Ўзбекистон чиройига ошиқ бўлмоқда.

*Дунё узра янграётган номингдан айланай — Ватаним.*

*Дунё бўйлаб қанот қоқаятган шонингдан айланай —*

*Ватаним...*

Афсуски, Ватан мустақиллигини, Ватан шон-шўхратини кўролмайдиган ғаламислар бор экан. Душманнинг ўзингдан чиққани ёмон. Бегонанинг уйига кириб олиб, ўз онасига тош отган болани ким деб аташ мумкин?!

Бир муҳожир фожиаси:

— Отажон, сизга нима бўлди?

— Кўзларим кўрмай қолди, болам.

— Ахир яқинда ота-боболарингиз ватанига қайтмоқчи эдингиз-ку?!

— Энди кеч бўлди, болам. Ватан соғинчи, ватан дардида зор-зор йиғлаган кўзларим энди батамом кўр бўлиб қолди. Мени хиёнат кўр қилди болам, хиёнат!...

Ватан қўрқоқлардан, сотқинлардан ҳазар қилади. Ватанни сотишдан ортиқ қабиҳлик йўқ. Ватанни сотганларни Ватан руҳи уради. Сотқинларни Ватан кечирмайди.

*Ҳушёр боқ, ҳар қадамга ғаразгўйлар бор!*

*Ҳушёр боқ, ҳасада тўла аразгўйлар бор!*

*Ҳушёр боқ, беҳудага сотғувчилар бор!*

*Ҳушёр боқ, паналарга отғувчилар бор!*

Февраль фожиалари, Боткен воқеалари, Сарносиё ва Узун тумани дараларида рўй берган террорчилик ҳаракатлари кўзларимизни очди, хоинларга нафратимизни сочди. Фожиалар мудроқ вужудларни уйғотди. Янада ҳушёр, мустаҳкам ва янада метиндек жипс бўлишга даъват этди. Оллоҳ сени ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли хоинлардан ҳамиша ўзи асрасин!

Яна бир кулфат борки, у миллатнинг бошига не-не кўргиликларни солиб келаётир. Қонимизга сингиб кетган бу асрий оғриқнинг бедаво дарди туфайли биз бирлашиб бирлашолмай, оломонлиқдан қутулолмай ҳамон қийналамиз, ҳамон азият чекамиз, ҳамон уруғ-аймоғини суриштирамиз, мақсадимизни маҳаллийчилик бекатига бурамиз. Қачонгача бундай бекатларда адашиб сарсон-саргардон кезамиз, қачонгача бир-биримизнинг бекатимиздан айланиб ўтамиз ва қачонгача гуруҳ-гуруҳ бўлиб бекатлардан тошчалар терамиз, бир-биримизнинг қадамимизни пойлаймиз, зимдан бармоқ кўрсатамиз.

*Маҳаллийчилик кўчаларида изғиб юриш энди уят,  
Тарафкашлик чорраҳасига безрайиб туриш энди уят.  
Яктан бўл, яқдилу яққад бўл, эй қадим миллат,  
Майдакашлик кўзгусига фақат ўзни кўриш энди уят!*

Энди самарқандлик Андижонда, андижонлик Хоразмда, хоразмлик Сурхондарёда, сурхондарёлик Наманганда, наманганлик Қашқадарёда, қашқадарёлик Жиззахда, жиззахлик Бухорода, бухоролик Сирдарёда, сирдарёлик Навоийда, навоийлик Фарғонада, фарғоналик Тошкентда, тошкентлик Қорақалпоғистонда — бу менинг Ватаним, бу бизнинг Ватанимиз деб гурурланадиган, ифтихор этадиган замон келди. Ватани майда туйғулар билан севиб, ардоқлаб бўлмайди. Юксак чўққига қўнган чумчуқни ҳеч ким кўрмайди. Чўққига бургут ярашади. Бургутдек юксакликка, баландликка интил, шиддат билан қанот қоқ, халқим!

\* \* \*

*Маънавият — тоза булоқ ичган билан тўймайсан.  
Маънавият — зўр истеъод ўрганишдан қолмайсан.  
Маънавият — улкан тоғдир ҳайрат билан боқасан.  
Маънавият — сархил боғдир шарбатидан қонмайсан.*

Маънавиятли эл — ботир эл, баҳодир эл. Маъна-  
виятли халқ — комил халқ, Маънавиятли Ватан боқий  
ва енгилмасдир.

*Маънавият боғларинг абадий гулаб турсин, Ватаним.  
Маънавият бўстонларинг мудом яшнаб турсин, Ватаним.*

\* \* \*

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Тош-  
кентда Миллий боғ ва бу боғда буюк бобомиз Алишер  
Навоийнинг улуғвор ҳайкали очилди. Мустақиллиги-  
мизнинг ўн йиллигида эса Навоий шаҳрида улуғ мута-  
факкирнинг 560 йиллиги муносабати билан яна бир  
улкан боғ барпо этилаётир. Унда Навоийнинг яна бир  
муборак ҳайкали қад ростлайди. Улуғ шоирнинг  
руҳлари яна шод бўлади.

*Биз яна ва яна Навоийга қайтаётимиз...  
Навоийга қайтиш — ўзимизга қайтишдир.  
Навоийга қайтиш — сўзимизга қайтишдир.  
Навоийга қайтиш — миллатга қайтиш.  
Маънавиятга қайтиш — асл ўзлигимизга қайтишдир.*

Маънавият боғимизнинг улкан боғбони, тафаккур  
дунёимизнинг пири камоли шубҳасиз Алишер Навоий-  
дир.

Мустақиллик миллатни Навоий даражасига кўта-  
риш ва кўтарилиши учун чексиз имкониятларни бер-  
ди. Навоийни ўқиб ўрганиш, Навоийга фидо бўлиш,  
Навоийни билиш ҳар биримизнинг шарафли бурчи-  
миздир.

*Навоийни тушунган — Ватанни тушунади,  
Навоийни билган — Ватанни билади,  
Навоийни севган — Ватанни севади,  
Навоийни ардоқлаган — Ватанни қўриқлайди.  
Ватанга фидо бўлади, Ватанга қалқон бўлади.*

Таниқли олим Нажмиддин Комилов ёзганидек:  
«Навоий маънавиятимиз уммони. Ундан қанча қониб  
ичсак, шунча юксаламиз».

*Қагдингни тик тут, Навоийга интил,  
Мағруру мард бўл, Навоийга интил,  
Ҳаргиз хато қилма, ағашма энди,  
Ўз бўл, ўзбек бўл, Навоийга интил...*

Эй, дунёга келган гўдак, қаттиқроқ чинқир, чунки сенинг чинқиригингда соғлом нафас уфуриб турсин!

Эй, бешикда кулаётган бола, қаттиқроқ кулгин, чунки сенинг кулгингда соғлом қувонч барқ урсин!

Эй, той-той қилиб юраётган фарзанд, дадил юравергин, чунки сенинг жажжи қадамларинг соғлиқ тимсоли бўлсин!

Эй, яйраб-яшнаб ўсаётган ўсмир, бардам ва соғлом ўсавергин, чунки сенинг соғлигинг юрт ва миллатнинг энг катта ва бебаҳо бойлигига айлансин, келажаги буюк давлатнинг мустаҳкам пойдевори бўлсин!

*Сарбони бор карвон асло ағашмагай, йўлини йўқотмагай.*

*Сарбони бор карвоннинг манзили ёруғ, келажаги буюк.*

*Сарбони бор карвонга на хавф-хатар, на тўсиқ йўқ.*

*Сарбони бор карвоннинг изи ёрқин, изи қуплуғ.*

*Катта йўлга чиққан катта карвоним — Ўзбекистоним!*

*(«Халқ сўзи», 2000 йил, 4 сентябрь)*

# ЭССЕЛАР

## СОҲИБҚИРОН РУҲИНИ ШОД ЭТИБ...

Ҳақиқатни тарих саҳифаларидан асло ўчириб бўлмайди. Ҳар қандай даврда ҳам ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверади. Замонлар ўтиб у албатта бўй кўрса-тади, тантана қилади. Соҳибқирон Амир Темур тақдир-ри бунга яққол мисол бўла олади.

1993 йил августида мамлакатимиз пойтахтининг марказида буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда Муҳаммад Тарағай Баҳодир — Амир Темурга маҳобатли ҳайкал ўрнатилди. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрам қилинаётган кунларда мислсиз шон-шавкат соҳиби Амир Темур ўз ватанига қайтди.

Ёдгорлик очилишига бағишланган маросимда нутқ сўзлаган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бундай деган эди: «Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад — халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади. Ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади».

Ўзбекининг улкан шоири Абдулла Орипов топиб айтганидек, «Темурдек зотнинг обрў-эътиборини қайтадан ўрнига қўя билиш учун Темурдек шижоатли одам керак эди».

Неча йиллар давомида орзиқиб кутилган бу тарихий тантананинг ҳаяжонлари ҳали-ҳануз ёдимизда. Бир ажиб ҳолат эса ҳамон кўз ўнгимизда: Президентимиз лентани қирқишдан олдин ҳайкал қаршисида бир зум ўйчан тикилиб турди. Эҳтимол, у авлодлар йўл қўйган хатолар учун ҳазрати Амир Темурга ғойибона узр айтгандир. Эҳтимол, мустақиллигимизни ёмон кўзлардан, ёвуз ганимлардан авайлаб-асрашда улуғ соҳибқироннинг мададкор бўлишини Яратгандан тилагандир. Эҳтимол, юртимизга, халқимизга мангу тинчлик-омонлик, ёруғ кунлар ёр бўлишини бобокалонимиз руҳидан сўрагандир...



Амир Темур ҳайкалининг қад ростлаши ўзбек халқининг гурурига гурур қўшди, унинг жаҳон аҳли олдидаги маънавий мавқеини янада юксалтирди. Ўтмиши каби келажаги ҳам буюк миллат эканини намоён этди.

Бу муаззам ёдгорлик ижодкорлари — таниқли ҳайкалтарошлар Илҳом ва Камол Жабборовнинг номи ҳам соҳибқирон боис эл аро машҳур бўлиб кетди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илҳом Жабборов навқирон йигит чоғида Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтининг ҳайкалтарошлик факультетида устози Анвар Аҳмедовдан касбнинг маҳорат сирларини қунт билан ўрганди. Айниқса, ҳайкалтарошлиқда анча мураккаб саналган портрет жанрида тинмай изланди. Дастлаб Қўқон шаҳрида Абдулла Набиевнинг портрет ҳайкалини ишлади. Бу асари мутахассислар тилига тушди, санъат шинавандалари таҳсинига сазовор бўлди. Сўнгра Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқа драма ва комедия театри атрофида 13 та ҳайкал ишлади. Бу ҳайкаллар туркуми улуг бобомизнинг шоҳ асари «Хамса» мавзусида яратилган.

Илҳом Жабборов соҳибқирон сиймосини бадиий гавдалантириш учун машаққатли ва катта ижодий йўлни босиб ўтди.

— Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатни дунёга танитиб турадиган буюк фарзандлари бўлади, — дея ўйчан оҳангда сўзлайди у. — Уларсиз юрт ҳам, халқ ҳам гариб ва қашшоқдир. Мен ҳазрати Амир Темурни, шубҳасиз миллатимизнинг қуёши, деб биламан. Бундай мумтоз зотлар ҳамма вақт ҳам туғилавермайди ёки бу қадар баркамоллик билан намоён бўлавермайди. Бундан йигирма йиллар муқаддам Самарқанд кўчаларини кезиб, тарихий обидаларга маҳлиё бўлиб, юрагим тоғдай юксалиб юрганимда гўё шаҳар бўйлаб улуг бобомизнинг руҳи парвоз этиб юргандай туюлган эди. Мен ўша руҳий ҳолатимни ҳанузгача унутолмайман. Назаримда, шундоққина Зарафшон дарёси бўйида, баланд тепаликлар устида соҳибқирон севиқли пойтахтига тикилиб, уни бало-қазолардан қўриқлаб тургандай намоён бўлди. Самарқандга кейинчалик қайта-қайта бордим, хаёлимдаги ижодий ният — ўша илоҳий манзара аста-секин кенгайиб, Амир Темур қиёфаси бутун салобати, шижоати ва ёвқур қиёфаси билан об-разга кўча бошлади. Маълум вақт ўтиб, кўнглимда

ишонч ҳосил қилгач, жияним — Камол Жабборов билан ишга киришдик. У ҳам ҳайкалтарош, Ленинград Санъат академиясини тугатган, тарихни яхши биларди.

Бу орада юртимиз мустақилликка эришди. Юрагимиздаги ишонч янада мустаҳкамланди. Истиқлол янги илҳомлар берди. Самарқандда Амир Темур ҳайкалини ишлаш бўйича кўрик эълон қилинди. Мазкур кўрикда биз ҳам соҳибқироннинг отда елиб бораётган сиймоси акс эттирилган «Юртга қайтдим» деб номланган ҳайкал билан қатнашдик.

— Илҳом ака, ҳазрат Навоий «Хамса» яратишга киришар эканлар, «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ!» деб хитоб қилган эканлар. Амир Темур ҳайкалини илк марта, ҳаққоний йўсинда барпо этиш ҳам мураккаб, ҳам ғоят масъулиятли бир ижодий ишдир. Ҳар қалай, осон бўлмагандир...

— Албатта. Аввало, мен шу нарсани айтиб ўтишга ўзимни бурчли деб биламан: муҳтарам Президентимиз тўла маънода мазкур асарнинг ҳаммуаллифи бўладилар. У киши Камолжон иккимизга жуда аниқ, теран ва қимматли маслаҳатлар бериб, ҳайкалнинг яхлит санъат асари сифатида намоён бўлишига улкан ҳисса қўшдилар. Дастлабки вариантларимиздан бирида биз соҳибқиронни қўлида найза тутган ҳолатда акс эттирган эдик. Ислоҳ ака буни кўриб: «Менимча, Амир Темурнинг қўлида найза эмас, жилов бўлгани маъқул. Бу рамзий маънога эга бўлади. Буюк бир салтанатда найза тутганлар кўп, лекин жилов соҳибқирон қўлида бўлган», деган мазмунда фикр билдирдилар. Чиндан ҳам, соҳибқирон дунёнинг кўплаб мамлакатларини бирлаштирган, маърифат ва адолатга таяниб ҳукм юритган. Шу боис ҳам биз ўз асаримизда бу зоти шарифнинг айна шу фазилатларини бўрттириб тасвирлашга интилдик. Юртбошимизнинг тавсияларига кўра, Амир Темур сиймосини бир қўлини олдинга чўзиб, гўё жаҳон халқларига тинчлик-омонлик эълон қилаётгандек қиёфада ишладик. Иш давомида ҳам биз давлатимиз раҳбарининг доимий мадади ва ғамхўрлигини ҳис этиб турдик. Шунинг учун ҳайкални баланд руҳ, қизғин илҳом билан ишлаб ниҳоясига етказдик.

Ҳайкалтарош билан қисқа суҳбатимиз чоғида кўнглимдан шу фикрлар кечди: гарчи ҳайкал оз муддат ичида яратилган бўлса-да, унга узоқ йиллар

тайёргарлик кўрилган. Бинобарин, унинг умри ҳам кўп узун бўлгусидир.

Санъатпарвар халқимиз чинакам ижодий меҳнатнинг ҳамиша қадрига етади. Шу боис Илҳом ва Камол Жабборов мазкур асар учун Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Орадан уч йил ўтди. 1996 йил октябрида Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд тўйи мамлакатимизда зўр тантана билан нишонланди. Ўша тарихий кунларда Самарқанд ва Шаҳрисабзда улуғ бобомизга янги муҳташам ҳайкаллар ўрнатилди. Уларнинг вужудга келишида ҳам Илҳом ва Камол Жабборов тер тўкиб катта ижодий меҳнат қилишди.

— Бу ҳайкалларнинг яратилиши ўзи бир тарих, — деб хотирлайди Илҳом ака. — Гарчи бу мавзуда озми-кўпми ишлаб, бирмунча тажриба орттирган бўлсак-да, соҳибқирон сиймосининг янги-янги қирраларини, унинг туганмас қалб бисотини пластика тили билан янада бўрттириб, янги бадиий талқинда акс эттириш лозим эди. Амир Темур образи олдинги талқинларни такрорламаслиги, айна вақтда унинг узвий давоми бўлиши керак эди.

Эсимда, дастлабки лойиҳалар ва таклифларга кўра биз Самарқанддаги ҳайкал тимсолида соҳибқироннинг авжи куч-қувватга тўлган навқиронлик палласи, яъни йигитлик даврини, Шаҳрисабздаги ҳайкал орқали эса унинг беғубор болалик ҳолатини акс эттиришни мўлжаллаган эдик. Аммо муҳокамаларнинг бирида Президентимиз шундай бир ғояни таклиф қилдилар: соҳибқирон сиймосини хронологик тарзда эмас, балки яхлит, фундаментал образ сифатида тасвир этиш мақсадга мувофиқ эканини айтиб, у киши ўз фикрини қизғин исботлаб берди.

Чиндан ҳам, бу ҳар томонлама асосли фикр эди. Ислом аканинг таъкидлашича, гап Амир Темур образини турли даврларга бўлиб тасвирлашда эмас, балки унинг фавқулодда буюк ақл-заковати, жасорат ва шижоатини яхлит ҳолатда, қуйма сиймосини яратиш ҳар жиҳатдан тўғри бўларди. «Амир Темур сиймосини ким қаерда кўрмасин, унинг мардона, улуғвор ва донишманд қиёфасини бехато таний оладиган бўлсин», деб уқтирди юртбоши муҳокамаларнинг бирида.

Биз ана шу бадиий ёндашув билан иш тутдик ва назаримда, ёмон натижага эришмадик. Иш жараёнида давлатимиз раҳбарининг талабчан нигоҳини, ниҳоятда

ўринли ва амалий ёрдамани, қимматли йўл-йўриқларини биз доимо ҳис қилиб турдик. Бу, бир томондан, бизнинг ўзимизга нисбатан масъулиятимизни янада оширган бўлса, иккинчи томондан бизга янги куч, ишонч ва илҳом бағишлади.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтайки, ҳайкаллар баҳонасида бўлган суҳбат, муҳокама ва мулоқотларни кузата туриб мен юртбошимизнинг Амир Темур тарихини, темурийлар даври маданиятини ҳар томонлама чуқур билишига амин бўлдим ва қойил қолдим. Муҳим давлат ишлари билан қаттиқ банд бўлишларига қарамасдан, у киши алоҳида вақт ажратиб бир неча бор устахонамизга келиб, аниқ ва лўнда маслаҳатлар, амалий таклиф ва тавсиялар бериб кетганликларини мен ҳаяжон билан эслайман.

Масалан, Самарқандга ўрнатиладиган ҳайкалнинг хомаки нусхасида Амир Темурнинг соҳиби тахт сифатидаги қиёфаси тасвирланиши кўзда тутилган эди. Ислом ака ишимизни кўздан кечириб, бир қанча камчиликларни кўрсатиб бердилар. Биз чурқ этолмай қолдик, чунки эътирозларнинг барчаси тўғри ва рад қилиб бўлмайдиган даражада асосли эди. У кишининг маслаҳатлари билан соҳибқироннинг қўлларини бирига қўйиб турган ҳолатини ўзгартирдик, бармоғидаги «Куч — адолатда» ёзуви битилган узугини бўрттириб кўрсатдик.

«Бу узук ва унинг кўзидаги шиор Амир Темурни бутун дунёга машҳур қилган. Бу шиорда соҳибқироннинг ҳаётий эътиқоди ёрқин акс этган. Шунинг учун бу нарсага албатта эътибор қилиш керак», деди Президент. Биз бу фикрларга тўла қўшилиб, ҳайкалнинг янада салобатли ва улуғвор бўлиши учун қўшимча деталлар киритдик.

Шаҳрисабздаги ҳайкалнинг ҳозирги ҳолатда вужудга келишида ҳам Ислом аканинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. Дастлабки вариантда Амир Темур қилич дастасига қўлини қўйиб турган ҳолатда ишланган эди. Юртбошимиз бу хил талқинга эътироз билдириб, «Тўғри, Амир Темур давлат бошқарувида ҳарбий кучга ҳам таянган, аммо унинг «ўнта ишдан тўққизтасини кенгашу машварат билан, қолган биттасини қилич билан битирдим», деган сўзлари борлигини унутмаслик керак», дедилар. Биз албатта бу фикрларни инобатга олдик. Шунда бобокалонимизнинг нури чехраси яна ҳам салобат касб этиб, юксалиб кетди.

Натижада соҳибқирон сиймоси тасвирида юртбошимиз таъкидлаган шу вояни бўрттириб акс эттиришга муваффақ бўлинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин...»

Соҳибқирон абадиятини ўзида тўла мужассам этган бу гўзал бадий обидалар муаззам ёдгорлик сифатида миллий қадриятларимизни, мустақиллик туйғусини англашда ҳар кун, ҳар лаҳзада руҳимизга мададкор бўлади.


### «АЖАБ САОДАТ ЭРУР, ҚОЛСА ЯХШИЛИК БИЛА ОТ»

XX аср ўзбек меъморчилигининг ўзига хос бетакрор намуналаридан бири, шубҳасиз, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳисобланади. Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан Президентимизнинг таклиф ва ташаббусига асосан қисқа даврда бунёд бўлган музей бугунги кунда юртимиз ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган азиз меҳмонларнинг гавжум зиёратгоҳига айланди ва маданий меросимизга кўрк бўлиб қўшилди.

Музейга киришингиз билан рўпарадаги улкан деворга ишланган маҳобатли суратга кўзингиз тушади. Тушади-ю беихтиёр унда акс эттирилган тарихий воқеа-ҳодисаларга, бетимсол рангларга ошно бўла бошлайсиз. Бу ошнолик, ошуфталик ҳисси бир умрга қалбингизни тарк этмайди. У сизни қайта-қайта ўзига чорлайди, асар гўзаллигини, ранглар замирида мужассам моҳиятни янада теран идрок этишга, англаб етишга ундайди.

Ушбу маҳобатли сурат «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, «Туғилиш», «Юксалиш», «Фахрланиш» деб аталади. Унинг умумий майдони 200 квадрат метрни ташкил қилади. Асар ижодкорлари «Санойи нафис» ижодий гуруҳининг иқтидорли мусаввирлари — Хуршид Назиров, Тойир Болтабоев, Содик Қорабоев, Ғайрат Камолов. 1986 йилда «Усто» халқ санъати бирлашмаси қошида ташкил этилган ушбу гуруҳ асосан маҳобатли рассомлик, миниатюра ва лак миниатюраси бўйича самарали ижод қилиб келмоқда.

«Санойи нафис» ижодий гуруҳи 1986 йил ичида миниатюра деворий сурат услубида қатор ишлар амалга оширилган. Москвадаги «Ўзбе-



кистон» ресторани, Тожикистондаги «Зумрад» сихат-гоҳининг меҳмонхонаси, Урганчдаги Маросимлар уйи, Янги Ангрен ГРЭСи, «Бахт» ресторани, Ганновер шаҳридаги Ўзбекистон павильони, Олмалиқ шаҳридаги дам олиш ҳудуди, Дўрмондаги ҳукумат қабул маросимлари уйи ва ниҳоят, Темурийлар тарихи давлат музейи шулар жумласидандир.

Ижодий гуруҳ ташкил топганидан буён жаҳоннинг 20 га яқин халқаро кўргазмаларида муваффақиятли қатнашди. Республикамизда ўтказилаётган кўргазмалар, фестивалларнинг доимий иштирокчиси бўлиб келмоқда.

Ижодий гуруҳнинг мазкур иши ҳақида «Усто» халқ санъати бирлашмаси раҳбари Абдураҳим Умаров шундай ҳикоя қилади:

— Музейга ишланган улкан асарни ҳар тўрттала мусаввирнинг узоқ йиллик ижодий изланишлари маҳсулининг ёрқин намуналаридан, дейиш мумкин. Албатта, иш жараёни осон кечгани йўқ. Қисқа муддат ичида бундай асарни яратиш мусаввирлардан ҳам истеъдод, ҳам матонат ва катта куч-ғайрат билан ишлашни талаб қилди. Лўнда қилиб айтганда, «Санойи нафис» ижодий гуруҳи ушбу гўзал асари билан нафақат тасвирий санъат мухлисларини, балки Амир Темур бобомизнинг ҳам руҳини шод қилдилар, деб ўйлайман. Бу асар ҳали қанча-қанча нафосат мухлисларини ҳайратта солиши, уларга қувонч бағишлашига ишонаман.

Асарнинг биринчи қисми «Туғилиш» деб номланган. Туғилиш, демак, ҳаёт қўшиғининг бошланиши. Бу қисмда соҳибқирон бобомизнинг дунёга келиши ҳақида рангтасвир тили билан сўйланади. Асар марказидаги уч аёл таваллуд санасини шоду хуррамлик билан кутиб олаётир. Ўртада туриб доира чертаётган аёлнинг ёнида бағоят кўркам бешик. Чап томонда соз чалаётган аёл гўё ҳаёт қўшиғини оҳиста куйлаётгандек. Ўнг томонда ўтирган аёл эса тиззаларидаги гавропўшни меҳр билан тикаётир.

Асарнинг осмон тасвири акс этган қисми эса соҳибқироннинг таваллуд дамларида икки самовий сайёранинг ўзаро яқинлашуви ва фалакнинг мўъжизавий тусга кириши, шу дақиқада — Хумо қушининг шиддатли парвози, унинг паҳлавон гўдак чехрасига тушган илоҳий нигоҳига ишорадир. Осмоннинг тубида самовий буржлар тасвирланган. Ўртада «Кўй» буржи

йирикроқ шаклда ифодаланган. Чунки Амир Темур бобомизнинг таваллуд санаси айнан шу буржга тўғри келади.

«Юксалиш» деб номланган иккинчи қисмда Амир Темурнинг Қуръони карим оятларига, ўз даврининг қонун-қоидаларига амал қилиб, илму тафаккур ва адолат шамширига таяниб, қудратли давлат барпо этгани, уни юксак маҳорат билан бошқаргани улуғвор ва салобатли тасвирлар, жилодор ранглар орқали акс эттирилган. Композиция марказида улуғ давлат арбоби, юксак маънавийт эгаси Амир Темурнинг тахтда ўтирган қиёфаси ўз ифодасини топган. Унг тарафда — вазирлар, уламолар, мунажжим ва муаррихлар, чап тарафда эса — ҳарбий саркардалар, баҳодирлар саф тортиб туришибди.

Тахт ортидаги лавҳаларда бобомиз бунёд этган ўлмас меъморий обидаларнинг айрим намуналари тасвирланган. Асарнинг қуйи қисмида темурийлар сулоласининг кейинги давр намояндалари — Султон Муҳаммад, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймолари. Улар буюк боболарининг мероси — тузукларини мутлааа этаётган манзара акс эттирилган.

Асарнинг «Фахрланиш» деб номланган учинчи қисмида соҳибқирон бобомиздан қолган буюк мероснинг чексиз фахру ифтихор туйғулари билан авлодлардан авлодларга ўтиб келаётгани ҳақидаги ўлмас гоё ёрқин рангларда ифодаланган. Асар марказида турган нуруний қария ўтган умридан, дунёга келиб қилган ишларидан рози бўлиб, кўнгли фахр ва ғурур туйғуларига тўлиб-тошиб турибди. Демак, Амир Темур авлодлари давр ўтиши билан ўзини, ўзлигини, буюк боболаридан қолган ўлмас маънавий меросни ҳар томонлама англаб етмоқда.

Асарнинг юқори қисмида эса бобомизнинг пок руҳи абадий ором олаётган мақбара тасвирланган. Картинанинг умумлаштирувчи пастки қисмида акс этган ариқдаги сув манзараси ҳам умрнинг сувдек оқиб ўтишига, давр шиддатига, дунёда фақат яхшилик ва эзгулик боқийлигига рамзий бир ишорадир.

Полотннинг қуйи қисмида бутун асарнинг асосий мазмун-моҳияти ифодаланган бўлиб, унда темурийлар маданиятининг даҳо санъаткори Алишер Навоийнинг ушбу ўлмас байти битилган:

*Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик била от.*

Адолат ва яхшилик билан авлодлар хотирасида асрлар оша ном қолдириш Амир Темурдек буюк соҳибқиронга насиб этган мангу бахтдир. Ана шу мангулик лаҳзаларини рангларда муҳрлаган «Санойи нафис» ижодий гуруҳи яратган асар ҳам, шубҳасиз, умрбоқийликка дахлдор бўлғуси, деб тилак қиламиз.

Ушбу муаззам полотно учун рассомлар Камолиддин Беҳзод номидаги республика Давлат мукофотида сазовор бўлишгани ана шу эътирофнинг яна бир далилидир.

«Санойи нафис» гуруҳининг иқтидорли мусаввири Тойир Болтабоев «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» асарининг ярагилиш тарихи ҳақида шундай хотирлайди:

— Аслида ижодий гуруҳимизнинг бош маслаҳатчиси муҳтарам Президентимиз бўлдилар. Биз бундан бениҳоя миннатдоримиз ва бу воқеани умр бўйи фахрланиб эслаб юрамиз. Чунки шахсан у кишининг таклифлари билан асарга бир қатор жиддий ўзгаришлар киритилди. Масалан, дастлабки эскизни кўрган Президентимиз: «Амир Темурнинг мучали қайси, туғилган йили қайси буржга тўғри келади?» деб сўраганлар. Ва асарда албатта бурж ва мучални кўрсатиш лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар. Бу таклиф жуда ўринли бўлиб, Амир Темур сиймоси ва унинг тафаккур олами тегис ифодалашда бизга катта ёрдам берди.

Президент музейдаги иш жараёнини келиб кўриб, яна қимматли маслаҳатлар бериб кетдилар. Бу дастлабки жараён, рассомлар тили билан айтганда, «асл ўлчовдаги хомаки қоралама», дейилади. Биз асарнинг асосий кўринишида Оқсаройни, Бибихоним ва Шоҳи Зинда ансамблини биринчи ўринда тасвирлаган эдик. Аҳмад Яссавий мақбараси эса жуда орқада — кичик кўринишда акс этган эди. Президентимизнинг таклифи билан мақбара тасвирини биринчи ўринга олиб чиқдик. Бу ҳар томонлама тўғри бўлди. Чунки Аҳмад Яссавий соҳибқироннинг маънавий пири бўлган.

Ислом ака ишимизнинг якуний жараёнини ҳам келиб кўрдилар. Полотнонинг ҳар бир кўриниши, ҳар бир чизиғи ва рангини диққат билан кўздан кечирдилар. Асарнинг ҳар бир қисмига шахсан ўзлари ном бериб, уларни «Туғилиш», «Юксалиш», «Фахрланиш»



деб аташни таклиф қилдилар. Айрим рангларга ўзгартириш киритиш ҳақида тавсия бердилар. Масалан, учинчи картинани бир хил гаммада, бир-бирини узвий боғлаган рангда ишлаган эдик. Лекин юртбошимиз таклифи билан олтин рангли бўёқ берилгач, суратнинг мазмун-моҳияти тамоман ўзгариб, яна ҳам мукамаллик касб этди. Шунингдек, учинчи картинадаги мевали дарахт ҳам у кишининг таклифи билан умрбоқий дарахт — чинор рамзига айлантирилди. Хуллас, Президентимиз нафақат Темурийлар тарихи давлат музейининг ташаббускори ва ташкилотчиси, балки музейда ишланган картиналарнинг ҳам ҳаммуаллифидир, десак, муболаға бўлмайди.

Бу мухтасар мақолага Ислом Каримовнинг Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида сўзлаган нутқидаги ушбу сўзлар билан яқун ясакак, мантиқан мақсадга мувофиқ бўлади: «Амир Темур — бизнинг шон-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиз. Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир...

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу аснода келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».

*(«Халқ сўзи», 1994 йил, сентябрь)*

## МИЛЛАТ ПОЙТАХТИ

Шундай пойтахт шаҳарлар бўладики, улар ўз халқи тараққиётида, миллатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, маънавий ва маданий камолотида энг юксак ва энг шарафли вазифаларни адо этади. Тарих саҳифаларидан маълумки, ўтмишда пойтахтларимиз бўлган — Бухоро ва Самарқанддан сўнг пойтахт мақомига эга бўлган Тошкент ана шундай буюк юкни салобат билан кўтариб, пойтахтлик шаънини шон-шараф ила оқлаб келаётир.

Пойтахтнинг юки ҳам шарафли, ҳам залворли ва ўта масъулиятли. Чунки:

бу юк замирида Ватан ва халқ тақдири ётибди;

бу юк замирида бугун ва келажакнинг нури уфуриб турибди;

бу юк замирида тинчлик, бирлик, тенглик ва аҳиллик мужассам;

бу юк замирида Ўзбекистонни метиндек бирлаштириб турувчи мустақкам томирлар нафас олади.

Тошкент XX асрда ёр юзининг энг гўзал, энг мўътабар, энг кўркам, меҳмондўст, тинчликпарвар шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Унинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошди.

Тошкент XXI асрга мустақил мамлакатнинг — мустақил пойтахти деган буюк ном билан кириб келди.

Тошкент XXI асрда озод халқнинг озод ва обод пойтахти қиёфасида яна ҳам кенгроқ намоён бўлишига ишонамиз.

Тошкент XXI асрда ҳам тинчлик, барқарорлик ва турли миллатларни бирлаштирувчи қудратли дўстлик пойтахти бўлиб қолади.

Президентимиз таъбири билан айтганда: «Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзидан намоён этадиган Ватан остонасидир».

Бу муборак остонага бундан ўттиз йил муқаддам, яъни 8-синфда ўқиб юрганамда илк бор қадам қўйганман. Ўшанда «аъло»чи ўқувчиларнинг Бухоро вилояти бўйича ташкил қилинган махсус «Саёҳат» поездида ўн беш кун давомида Ўрта Осиёнинг бир қанча йирик шаҳарлари қаторида Тошкентда ҳам бўлиб, шаҳарнинг кўпгина диққатга сазовор жойларини кўриб ҳайратга тушганман. Шу-шу Тошкентта ошно бўлдим, унга қаттиқ меҳрим тушиб қолди. Кейинчалик бу меҳр муҳаббатга айланди.

Иккинчи сабаб: олис Жалойир қишлоғидаги мактаб директорини 70-йилларда «Тошкент оқшоми» газетасига обуна эди. Унинг ўғли газетани гоҳ мактабга, гоҳ далага олиб борарди. Газетани навбатда туриб ўқирдик. Азбаройи қўлма-қўл бўлиб кетганидан газета ҳилвираб, униқиб кетарди. Собиқ комфирқанинг бошдан охир бир хил мазмундаги ҳамду-санолардан иборат газеталарга қатъий ўрганиб қолган кўзларимизни ўшанда «Тошкент оқшоми» анчагина очган эди. Кейин билсак, ўша даврда бу газетанинг шухрати анча баланд экан. Марҳум адиб ва журналист Саъдулла Кароматовнинг газетани қизиқарли ва ўқимишли чиқишида хизматлари катта экан...

Хуллас, «Оқшом»ни қайта-қайта ўқиш жараёни ҳам Тошкентга бўлган меҳримизни, иштиёқимизни янада оширган. Газета қалбимизга Тошкентнинг бетакрор манзараларини чизган, унинг зиё нурларини сочган, пойтахт руҳини олиб кирган. Газетанинг кучи ҳам шунда эди.

Кейинчалик ўқишга келганимизда ҳам, салкам ўттиз йилдан буён ушбу мўътабар ва муқаддас шаҳарда яшай бошлаганимизда ҳам вужудимизни ҳеч қачон пойтахт руҳи ва масъулият ҳисси тарк этган эмас. Бундай бебаҳо руҳни қалбимизга ато этгани учун Оллоҳдан умрбод миннатдормиз.

Сал нарига борсак ё бироз олислаб кетсак, албатта Тошкентни соғинамиз. Тошкент дарҳол тушларимизга киради. Тошкентнинг меҳри тортади. Бу муқаддас меҳрга бир боғланганлар сўнг ундан абадий узилиб кетолмайди. Тошкент руҳи юракка боғланади, юракдан жой олади. Юракда пойтахт таровати, унинг гўзал манзаралари намоён бўла бошлайди.

*Бу — табаррук тупроқнинг оҳанграбоси бор.*

*Бу — гўзал заминнинг на таърифи, на баҳоси бор.*

*Бу — муборак маконнинг бир олам маъноси бор.*

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброим Юсупов Тошкент соғинчини шундай куйлайди:

*Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам,  
Булбулларин тинглаб боққа кирмасам,  
Чинорларнинг соясига чой ичиб,  
Дўстлар билан суҳбатлашиб юрмасам,*

Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам...

Олис қишлоқдан келган меҳмон жўрамиз тўй арафасидаги келинчақдай чирой очаётган, йилдан йил ҳуснига ҳусн қўшилаётган Тошкентни кўриб, ҳайратдан жўшиб шундай дейди:

— Сўнгги йиллар ичида Тошкентни таниб бўлмайд қолибди. Ҳаммаёқда қурилиш, ҳаммаёқда янгилик. Равон кўчаларни, кўприкларни айтмайсизми? Сал қолди адашиб кетардим, жўражон. Айниқса, кўчаларнинг номлари бирт ўзбекча бўлганини кўриб, роса қувондим. Бўларкан-ку! Биз ўқиган 80-йиллардаги, биз кўрган 90-йиллардаги Тошкент батамом ўзгариб кетибди, жўражон. Мустақилликнинг номидан ўргилай, ўн йил ичида Тошкентни яшнатиб, ёшартириб юборибди. Бу пойтахт эмас, мўъжиза бу!..

Бундай самимий юрак сўзларини мустақиллик меҳри жўшиб турган ватандошларимиздан, меҳмонлардан тез-тез эшитиш мумкин. Кун сайин гўзаллашаётган Тошкент нафақат республикамиз аҳлини, вилоятлардан, қўшни республикалардан келаётган меҳмонларни, балки дунёнинг турли бурчақларидан ташриф буюраётган хорижликларни ҳам мафтун этмоқда, хайратга солмоқда.

Олис Америкадан ёки Германиядан, Мисрдан ёки Англиядан, Франция ёки Япониядан келган меҳмонларнинг хайратланиши бежиз эмас. Улар аввало ўз юртининг энг кўркам шаҳарларида кўрмаган, учратмаган гўзал ва ноёб манзараларни, янги биноларни кўриб яйрайди, кўрганларини эса бир-бири билан таққослайди. Илк бор келишдаёқ, дастлабки кўришдаёқ гўзаллашиб чирой очаётган Тошкентнинг мафтунлиги, мухлиси бўлиб қолади, шаҳарнинг шайдосига айланади.

Ҳар бир меҳмон ўз юрагига Тошкентнинг бетакрор манзараларини чизади, Тошкент унинг юрагидан ўзига мустақкам манзил топади. Ва ниҳоят, шаҳар — юракка, юрак — шаҳарга айланади. Ҳар кимнинг юрагига ўз Тошкенти пайдо бўлади. Тошкент руҳи муҳрланган самимий юраклар эса дунёни тўлдириверади, тўлдириверади... Ташна юракларни Тошкент жозибаси ўзига тортаверади, тортаверади... Қўшиқда айтилганидек, Тошкентдан дон еган чумчуқ ҳатто Маккадан қайтиб келаркан. Тошкент нонининг шуҳрати алақачон дунёни тутганлиги сир эмас.

Тошкентнинг оҳанграбоси зўр, меҳр-муҳаббати кучли. Бу меҳрга боғланганлар, бу меҳрга аср бўлганлар ҳеч қачон Тошкентдан олислаб ё узилиб кетолмайдилар. Тошкент зиё шахри, маънавият ва маърифат маскани. Миллат гуллари бўлган зиёлиларнинг бир неча авлодларини вояга етказган тафаккур бешиги. Тошкентда илм булоқлари мудом қайнаб туради, мудом оламшумул кашфиётлар рўй беради. Буларнинг ҳаммаси миллат, юрт равнақи учун хизмат қилади. Тошкент бутун мамлакатимизнинг турли бурчақларидан, олис-олис қишлоқларидан келадиган катта-кичик таалантларни, турли соҳа истеъдод соҳибларининг бошини силаб гўё ўз онасидай ардоқлайди, элга танитади. Пойтахт сифатида уларни камолотга етказиши, иссиқ бағрига олади. Бу турфа талантлар Тошкентда гавҳарга айланади, дур бўлиб нур сочади. Улар юлдуз бўлиб адабиёт ва санъат осмонида порлайди. Ҳақи-

қатан ҳам Тошкент XX аср ўзбек миллий адабиёти ва санъатининг буюк намоёндаларини камолотга етказган, дунёга танитган муқаддас бешиқдир.

Париж Франция, Лондон Англия, Рим Италиянинг жаҳон тараққиёти босқичига чиқиш жараёнида қанчалар муҳим вазифани бажарган бўлса, Тошкент ҳам Ўзбекистон ривожини учун шунчалик улуғ вазифани шаараф билан адо этиб келяпти.

Тошкент XX асрда нафақат Ўзбекистон балки Ўрта Осиёга юксак маърифат берди, зиё таратди, қардош халқлар ўртасида аҳил-иноқлик туйғусини янада мустаҳкамлади.

Тарихий маълумотлардан маълумки, дунёга танилган кўпгина қардош халқларнинг истеъдод эгалари дастлаб Тошкентда таълим олган. Шаҳарни бежиз «Шарқ дарвозаси» деб таърифлашмайди. Энди у нафақат Шарқнинг балки дунёнинг энг нуфузли, обрў-эътиборли шаҳарларидан бирига айланиб бораётганидан қувонамиз. Тошкентда бўлаётган турфа халқаро анжуманлардан мамнун бўламиз, ғуруримиз ўсади. Бундай жаҳоний мулоқотлар миллат дунёқараши ўсишига, республика иқтисодий-ижтимоий ривожига самарали таъсир этиш билан бирга, энг яхши халқ анъаналарини, миллий ва тарихий меросимизни жаҳонга ёйишда муҳим аҳамиятга эга. «Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал» деб шунга айтсалар керак.

Ҳа, Тошкентни бир бор келиб кўрганлар умрбод шаҳарнинг ошиғи, мафтунини бўлиб қоладилар. Ва уни тез-тез зиёрат қилишга ошиқадилар, Тошкент қалбан, руҳан мафтун бўлса арзийдиган шаҳар.

Тошкент — қайта-қайта зиёрат қилса, тавоф этса арзийдиган маскан, улуғ авлиёлар, олиму фозиллар юрти.

Тошкент — ҳамиша қут-барака аримайдиган баракали замин.

Тошкент — кўпдан-кўп миллату элатларни бағрига жо этган буюк дўстлик яъни дўстларнинг меҳр-оқибат уйи. Бу кенг ва ёруғ уйнинг тўрида ҳамиша дўстлар ўтирган. Бундан сўнг ҳам худди шундай бўлиб қолади.

Чунки дўстлари учун бағрикенг, дастурхони очиқ бундай шаҳарни ер юзидан топиш қийин...

Фаслар Тошкентга ярашади, жуда-жуда мос келади. Ҳар бир фасл ўз жозибаси, таровати билан Тошкентни янада гўзаллаштириб, мафтункор этиб юборади:

Киш — салобат, улуғлик, пурвиқорлик, мунавварлик бахш этади. Опшоқ қор пойтахтни опшоқ кийинган мутафаккирга айлантиради. Баҳор — яшил либосга ўраб, беқиёс гулларга буркайди, юракларда дарахтлар гунчалайди, вужуд гул ҳидига тўлади. Пойтахт кўчаларида муҳаббат шивирлайди.

Ёз — ҳароратидан ҳатто «Анҳор» ҳансирайди, вужудлар салқинлик истайди. Пойтахт юрагинда ҳароратга айланади.

Куз — бетакрор мусиқа ва шеър оламига етаклайди. Бундай лаҳзаларда: «Мен шеър излайман Тошкент кўчаларида» дейди шоиримиз.

Дарҳақиқат шундай! Тошкент кўчаларида шеър тўлғонади, дoston оқади, мусиқа нола қилади, ранглар камалакдек товланади. Бунда кўшиқ дунёга келади, бунда рақс хиром этади. Бунда турфа ғоялар юксалади, дунёқараш ўсади, тафаккур шаклланади. Ва буларнинг ҳаммаси миллат буюклиги учун хизмат қилади. Миллат пойтахти манзараларини тўлақонли чизади.

Тошкент — мамлакатимизнинг уриб турган қайноқ юраги. Унга Самарқанду Бухоро интилади, унга Урганчу Нукус шошади, унга Фарғонаю Андижон, Қаршию Термиз чоғланади. Хуллас, унинг бағрига Ўзбекистон сиғади, Ўзбекистон садо беради. Ўзбекистон бир тану бир вужудга айланади.

Энди тор кўчадан кетаётган одам Тошкент ҳақида ўтмишдаги каби тор фикр юритса ярашмайди, уят бўлади, торлиги, майдалиги билиниб қолади. Тошкентга ўзбекка хос бағрикенглик,бус-бутуналик, улуғворлик, тантилик ярашади. Энди у комфирқа ғоялари, коммунизм шарпаси кезиб юрган яқин ўтмишдаги Тошкент эмас. Энди унинг кўчаларида қизиқ байроқлар ҳилпирамайди, қизил шиорларга ўрин йўқ. Қизил майдон ҳам, қизил доҳийлар ҳам Тошкент тарихидан абадул-абад ўчди. Қизил империя руҳи ҳам Тошкентни аллақачон тарк этди. Тошкент ўтмишнинг оғир ва залворли, оғриқли юкларидан халос бўлди.

Тошкент мустақил мамлакатнинг мустақил пойтахти. Озод ва ҳур Ўзбекистоннинг озод пойтахти, истиқлол ҳар жиҳатдан гуркираётган Бош шаҳар.

Мустақиллик руҳи, истиқлол қудрати Тошкентдан бошланади десак, асло муболаға бўлмайди. Ҳар йилги Мустақиллик байрамида Тошкент қиёфаси ўзгаради, янгиланади. Байрам тантаналарига ҳатто юлдузлар ошно бўлади, мушаклар юлдузлардан ранг олади. Тошкент

бир олам шодликка, қувончга тўлиб кетади. Беихтиёр ўша лаҳзаларда озодлик туйғуси нақадар улуғлиги, нақадар ҳаво каби зарурлиги юракларда қайта-қайта акс садо беради, жўш уради. Севинчдан кўзларингга ёш келади. Ҳаяжон ва шодликдан ҳайқириқ тошади...

Мустақиллик даврида бунёд бўлган ўзгаришлар, қурилишларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали ва Миллий боғ, Буюк Амир Темур ҳайкали ва Темурийлар даври тарихи музейи, «Туркистон» саройи, Олий Мажлис биниси, «Шаҳидлар хотираси» майдони, меҳмонхоналар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, ер ости йўллари, кўприклар, бозорлар...

Президентимиз ибораси билан айтганда: «Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!»

Бу фахр, бу ғурур ўзимизни, ўзлигимизни билишга ундайди. Тошкентда қадр ростлаётган ҳар бир бино аввало халқимизнинг ғурур туйғусини тарбиялаётгани билан ҳам ниҳоятда қадрлидир.

Бугунги Тошкент кечаги Тошкентга асло ўхшамайди.

Бугунги Тошкент эртанги Тошкентнинг гўзал қиёфаси ва мустақкам пойдеворини яратмоқда.

Эртанги, яъни ХХI асрдаги Тошкент эса келажак авлодларнинг ифтихор бешиги бўлишига асло шубҳа йўқ. Қахрамон шоиримиз Абдулла Орипов Тошкентни «Қуёш шаҳри» деб таърифлаб, шундай сатрларни битади:

*Тошкентим, порлаган пойтахтсан бу кун,  
Юксалди кўксингга не-не қасрлар.  
Сир эмас, бунчалик камолот учун  
Керак бўлар эди неча асрлар...*

Таниқли олим Озод Шарафиддинов ёзганидек: «Ажаб эмаски, бугун биз Самарқанду Бухорода ёки Хивада бобокалонларимиз қуриб кетган бинолар билан қандай гурурланаётган бўлсак, бизнинг неварачевараларимиз ҳам ҳозир биз қураётган иморатларни ҳаммага кўз-кўз қилиб фахрланиб юрсалар».

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов эътироф этганидек: «Ҳайратомуз ҳол: Тошкент Оврўподаги тараққий топган мамлакатлар пойтахтларига ўхшаб кет-

ган! У Шарқ ва Ғарб маданиятлари раvнақига хизмат қилувчи йирик марказга айланиб бораётир! Бу улўф ўзгаришларнинг Бош архитектори ким? Албатта, Ислон Каримов!»

Ҳақиқатан ҳам Тошкентда бўлаётган улкан ўзгаришлар, улўфвор қурилишлар юртбошимиз диққат-эътиборида турибди. У киши эринмай қурилиш жараёнларини бирма-бир бориб кўрадилар ва ўша жойнинг ўзида керакли йўл-йўриқларни, зарур маслаҳатларни берадилар.

Шунингдек, Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини янги қиёфа билан кутиб олаётган пойтахт жамолини кун сайин ўзгартиришда фидойилик қилаётган шаҳар ва туман раҳбарларига, туну кун жонбозлик кўрсатётган архитектор ва қурувчиларга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, уларнинг хизматларига тасаннолар айтиб: асло чарчаманг, сизларга эл дуоси мадаткор бўлсин, деймиз.

Мустақил Ватанимиз пойтахти — Тошкентни ҳар қанча таърифласак, ҳар қанча улўфласак, ҳар қанча мақтов саҳифалари битсак арзийди. Лекин ўрни келганда жиндай афсус-надомат, жиндай ўкинч билан айтиш мумкинки, ҳамиша ҳам жонажон пойтахтимизни чексиз меҳр-муҳаббат билан севишга, ғурур билан қадрлашга, юксак ифтихор билан ардоқлашга ҳафсаламиз етишмаётганлиги билиниб қолади. Тошкентда яшаб унинг пойтахтлик қадр-қимматини чуқур англаб етмаётганлигимиздан баъзан кўнглимиз озор чекади. Масалан, ўзимиз яшаётган уйнинг йўлакларини, атрофини, ҳовлисини тоза тутишга эринамиз. Кўчаларимиз ҳамиша озода бўлиши учун ҳаракат қилмаймиз. Қўлимиздаги патта бўлакларидан тортиб, қанд, печенье қоғозларини, сигарета қолдиқларини ахлат қутилари турганда тўғри келган жойларга ташлаб кетамиз. Ҳамон жамоат транспортларида юриш қоидаларини, тўғрироғи маданиятини билмаймиз... Хуллас, маданият масаласида андак нўноқроқмиз. Табиатимизда пойтахт билан фахрланиш, пойтахтпарварлик, пойтахтпарастлик туйғуси етишмайди. Нега, нима учун шунчалар бепарвомиз, беташвиш ва беғаммиз деган оғриқли саволлар ҳамиша дилимизни тирнайди. Бу иллатлар, табиатимиздаги лоқайдликлар қанча тез барҳам топса, пойтахт жамоли шунчалар очилади.

Ҳар қадамда, ҳар лаҳзада биз, улўф мамлакатнинг улўф пойтахтида яшаётганлигимизни ҳис этиб, пойтахт



осмонидан нафас олаётганимизни унутмайлик. Унуттишга, бепарво ва лоқайд бўлишга асло ҳаққимиз йўқ. Пойтахтда яшаётган одам ҳар жиҳатдан унга муносиб бўлиши шарт!

Пойтахт — Ватаннинг юраги. Уни ўз юрагимиздек асраб-авайлайлик, унга эътиқод қўяйлик, уни имон билан севишга, қадрлашга ўрганайлик.

Фурсатдан фойдаланиб ҳар йили бир марта «Пойтахт куни» ўтказилса деган таклифни ўртага ташламоқчимиз. Масалан, ўтказилажак кунлардан бирини «Озодалик ва саломатлик куни», яна бирини «Пойтахтим — фахрим» деб номланса мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай тадбирлар 2001 йил — «Оналар ва болалар йили»ни ҳар томонлама мукамал ўтказишда катта аҳамиятга эга. Шунда кўкаламзорлаштириш, тозалик, ободончилик ишлари бир қадар жонланарди. Пойтахтга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада оширади, ёшларни Ватанни севишга, пойтахтни қадрлашга, ардоқлашга ўргатади. Шунингдек, ҳар ойнинг бир яқшанбаси «Пиёдалар куни» деб белгиланса. Шу куни асосан енгил автомашина эгалари кўчаларга пиёда чиқишса. Бу яхши тадбир билан пойтахтни экологик офатдан асраб қолган бўламиз. Бу ўз-ўзидан пойтахтни жон қадар севиш, қадрлаш ва асраб-авайлаш туйғусини тарбиялайди. Шунда Тошкентни юксак маънавият ва маданият барқарор бўлган шаҳарга айлантираемиз, пойтахтнинг жаҳоншумул мавқеини ошириб, шуҳратини янада юксалтираемиз.

Чунки:

Бу — менинг Пойтахтим.

Бу — сенинг Пойтахтинг.

Бу — бизнинг Пойтахтимиз.

Бу — мустақил ва озод миллат Пойтахти!

Мустақиллик йилларидаги Тошкентга термулиб тўймайсиз.

Ўн йиллик бўсағасида — Тошкентни куйлаб тўймайсиз.

Ўн йиллик тонгида — Тошкентни бўйлаб тўймайсиз.

Ўн йиллик остонасида — Тошкентни сўйлаб тўймайсиз.

Тошкентим — Оллоҳ ҳамиша йўлингни ёритиб, толеингни балан қилсин. Янги мингйилликда ҳам тинчлик, барқарорлик, дўстлик, аҳил-иноқлик шаҳри бў-

либ қол. Номинг дунё тургунча барқарор бўлиб, обрў-  
эътиборинг мудом ошиб бораверсин. Ҳеч қачон заво  
кўрма, ҳар қандай бало-қазолардан Яратганинг ўзи  
асрасин, ўзи меҳрибон ва соябон бўлсин. Келаганинг  
ҳамиша порлоқ, нузли ва ёруғ бўлиб, дунёни ҳайратта  
соладиган гўзалликлар, мўъжизалар билан бойиб бо-  
равергин, жонажон — онажон Тошкентимиз!

*(«Тошкент оқшоми», 2000 йил, 29 декабр)*

# БАҒИЛАР

## ОЛТИН ПОЙДЕВОР

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг миллий гурури ҳақида дадил ва ошкора гапира бошладик. Айниқса, Президентимизнинг маъруза ва нутқларида, суҳбатларида миллий гурур иборасининг қайта-қайта таъкидланаётгани бежиз эмас. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида у киши шундай деган эди: «Халқимизда миллий гурур учун белни борлаб, дўппи кийиб юришга замон яратдик». Ҳақиқатан ҳам шундай замон келди. Мустақиллик мустаҳкамланиб, умрбоқий бўлиб борган сари миллий гуруримиз янада юксалмоқда, жаҳон халқлари сафида дадил туриб, дунёда қадим тарихи ва маданияти бой, ўзи меҳнаткаш ва саховатли, меҳмондўст, мард ва танги ўзбек деган улуғ халқ борлигини намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 4 йиллигига бағишланган тантананда сўзга чиққан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳар биримизда миллий гурур, миллий онг, тафаккур ривожланган ва барқарор бўлишини тараққиётга эришишнинг яна бир зарур омили эканлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан шундай деди: «Агар инсон ўз юртидан гурурланмаса, юртини ёмон кўзлардан, ёмон ниётлардан асраш учун ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ».

Афсуслар бўлсинким, собиқ шўролар тузуми даврида миллий гурур ҳақида на гапириб, на ёзиб бўларди. Миллатнинг миллий гурурини уйғотишга уринган ёки шунга даъват этган ижодкорлар, зиёлилар ва халқнинг илғор вакиллари қатағон қурбонлари бўлганлигини жуда яхши биламиз. Ва айнан қатағонга асосланган тузумнинг мафкурачилари миллат онги, руҳи ва характеридан миллий гурур туйғусини йўқотиш учун қилич яланғочлаб астойдил хизмат қилганлар.

Яқин ўтмишда рўй берган фожиаларни бир эслайлик: «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деб миллатни бадном қилиш, миллий гурурни топташ учун қилинган

ападий ёвузликларни унутиб бўладими? Ҳеч қачон!.. Аслида шўро тузуми одамни ҳар томонлама азоблаб, ҳар қандай жабр-ситамларга дучор қилиш мумкин, лекин унинг миллий ғурурини оёқ ости қилиб, топташ асло мумкин эмаслигини яққол кўрсатди. Зулмга, кўрқувга асосланган тузумнинг оқибати шундай бўлади!

Бугун миллий ғурур мустабид тузумга эмас, балки мустақил ва озод халққа кераклиги аён бўлди. Айниқса, мустақиллик йўлидан дадил бораётган халқимиз учун миллий ғурур ҳаво каби зарурлигини, нондай азизлигини ҳар дақиқада ҳис қилиб яшайпмиз. Нега? Нима учун истибдод тузуми миллий ғурурни ёқтирмайди-ю, озодлик ва ҳурлик замони миллий ғурурдан ҳамisha куч-қувват олади? Мана шу жиддий саволларга теран жавоб топмасдан на онгда, на қалбда ва на тафаккурда миллий ғурурни ўстириб, шакллантириб бўлмайди. Истибдод ва мустақиллик ўртасидаги кескин фарқни чуқур англаб етмагунча миллий ғурурни тарбиялаш қийин кечади.

Миллий ғурур бу халқнинг фақат ўзига хос бетакрор хислатлари, бебаҳо фазилатлари, ўлмас анъана ва қадриятлари, бошқа миллатлардан фарқ қиладиган маънавий бойлиги билан фахрланишдир. Ва бу жиҳатлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки биз меҳнаткаш, меҳмондўст, ижодкор халқимиз, меҳроқибатли, шарм-ҳаёли, ор-номусли халқмиз. Жаҳон фани ва маданияти тан олган улуғ алломаларимиз кўп. Тарихимиз шон-шавкатли воқеаларга бой.

Бизнинг ҳар қанча фахрлансак арзийдиган мана шундай улкан меросимиз олдида мустабид тузум жуда-жуда ожиз эди. Улар миллий ғуруримиз ҳақида гапиришга, ёзишга изн беришга кўрқардилар. Шунинг учун халқ қаддини эгиш, уни ўз мақсадлари йўлида итоаткор этиш мақсадида миллий ғурур хусусида сўз очмаслик, агар сўз очилганда ҳам уни миллатчилик тушунчаси билан боғлаб, энг оғир жазо усулларидан фойдаландилар.

Миллий ғурур ҳақида сўз очмаслик, ёзмаслик, демак халқни ўз тарихий хотирасидан Мосуво этиш, улуғ алломаларни бадном қилиш, узоқ асрларга бориб тақаладиган маънавий меросини мутлақо юзага чиқармаслик деганидир. Бундан хулоса шуки, миллий ғуруридан маҳрум бўлган халқни бошқариш, исталган йўлга солиш, ҳатто ўзини-ўзига қарши қўйиш, ўзини-

ўзига гиж-гижлаш ва ўз қўли билан бўйнига сиртмоқ солиш осон кечади. Афсуски, собиқ шўролар тузуми айнан шундай қабиҳ ишларни амалга оширди.

Истиқлол эса халқ нимадан жудо қилинган, Мосуво этилган бўлса ҳамма-ҳаммасини қайтариб берди. Жумладан миллий ғурурини ҳам!.. Аммо шу нарса аён бўлдики, истибод кўпчилигимизни қўрқувга солиб қўйган экан. Ғўё руҳимиз, хаёлимиз ҳамон қафасдаги жонивордек чўчиймиз, ўз соямиздан ўзимиз таҳликага тушамиз. Эркинлик ва озодлик шабадаларига юз тутишимиз анча қийин кечаётир. Ҳали-ҳануз қўлдан дон еб ўрганган қуш сингари танбаллик, боқимандалик, ўзи бўларчилик иллатларидан батамом қутилишга ожизлик қиляпмиз. Эскилик сарқитлари турмушимиздан, табиатимиздан чиқиб кетмаяпти. Миллий ғурур билан манфаатдорлик туйғусини уйғунлаштириш босқичига ўтиш жараёни ҳам кечикаётир. Баъзилар енгил-елпи, қинғир йўллар билан бойлик орттиришга интиляпти холос. Айтайлик, миллий ғурури уйғонган ишбилармон ёки тадбиркор чет мамлакатдан арзонгаровга олиб келган маҳсулотларини бир неча баробарига (жумладан инсофни ҳам қўшиб) қимматига пуллаб, яхши яшяпман, деб ўзига таскин бермайди, балки ҳеч бўлмаса бирор бир кичик ишлаб чиқариш корхонаси қуриб, маҳсулотни шу ернинг ўзида чиқаради, ўрта ҳол қўни-қўшниларини иш билан таъминлайди. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ташвишига тушади, чет элга ҳам маҳсулот чиқариб мамлақати манфаатларини мустаҳкамлашга интилади.

Миллий ғурури уйғонган зиёли ё ижодкор ўз соҳасидаги кашфиётлари, янгиликлари билан жаҳон олимларини баҳсга чақиради, ҳамкорлик қилишга чорлайди. Лекин истиқлол шуқуҳи, изтироби, шарофини вақтинчалик қийинчиликларга қурбон қилиб, даромад топишнинг енгил йўлларига ўзини урмайди, олиб-сотарлар тўдасида кўринмайди.

Баъзан мактаб, лицей ёки олий ўқув юрти ўқитувчилари, олимларининг ўз касбидан воз кечиб, бозорга, савдо-сотикқа берилиб кетганлиги ҳақидаги ташвишли гап-сўзларни эшитамиз. Бу албатта ҳар кимнинг шахсий иши. Агар уларда чинакам миллий ғурур туйғуси бўлганида яшашнинг бундай енгил йўлини танламасди. Бугунги ўтиш даври қийинчиликларини кўпроқ зиёлалардан ўз касбининг, соҳасининг фидоийлари бўлишини талаб қиляпти.

Шуни унутмаслик керакки, истиқдол карвони бугун катта йўлга чиқиб олди. Ҳамма гап ана шу карвондан ортда қолмасликда. Ортда қолганларнинг етиб олишлари қийин бўлади. Зеро, кимнинг қалбида, шуурида миллий ғурур туйғуси уйғонган ёки шакланган бўлса, ўша инсон янги замон ижодкорлари, ишбилармон ва тадбиркоридир.

Президентимиз бир маърузасида миллий ғурурни «истиқлолимизнинг олтин пойдевори» деб юксак таъриф берди. Ана шу олтин пойдеворни бунёд этиш йўлида олиб борилаётган ибратли ишларнинг, тадбирларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди. Миллат онгида, қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш, тиклаш ва тарбиялаш борасида юртбошимиз олиб бораётган шижоатли сиёсат кўлами ниҳоятда кенг, пухта ва аниқ. Республикамизда яшаётган бошқа халқлар вакиллари ни камситмаган ҳолда миллий ғуруримиз ўз ўрнига қўйилаётгани ҳам қувончли, ҳам тарихий ҳодиса. Бу бошқа миллатларда ҳам миллий ғуруримизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ҳиссини тарбиялайди. Масалан, Мустақиллигимизнинг ҳар йили байрам қилиниши миллий ғуруримизга ғурур қўшади, қалбларни тоғдай юксалтиради, барча миллату элат вакиллари билан тинч-тотув яшашга ундайди.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи тантаналари ҳали ҳануз қалбларимизда акс-садо бериб турибди. Бу тарихий тантана жаҳон жамоатчилиги олдида ўзбек халқининг миллий ғурури қайта тикланаётганлигининг энг ёрқин намуналаридан бири бўлди. Айниқса, тўй кунлари Самарқандда қад ростлаган Амир Темур ҳайкали пойига туркий давлатлар раҳбарлари гулчамбарлар қўйиб, ёнма-ён туриб бир лаҳза сукут сақлаганларида қалбларимиз қувончдан йиғлади, кўзларимизда севинч ёшлари порлади. Бу асрлар давомида топталиб келинган буюк ҳақиқатнинг қарор топиши, миллий ғуруримизнинг қайта тикланиши эди. Амир Темур, Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур сингари буюк сиймоларга қўйилган ҳайкаллар гўё миллий ғуруримизга қўйилаётган улкан тоғларни эслатади. Бу улуғ зотларнинг ёрқин ҳаёти ва серқирра ижодий фаолияти ҳамisha миллий ғуруримизни юксалтиришга, жаҳоннинг илғор халқлари сафида мағрур юришга ундайди. Ёки мустабид шўро тузумининг беғуноҳ қурбонлари бўлган буюк миллатпарварлар — Фитрат, Абдулла

Қодирий, Чўлпоннинг руҳлари ҳар доим мустақиллигимиз миллий гуруримиз билан янада мустаҳкам бўлишдан доимо огоҳ этиб туради.

Хуллас, Мустақил ва озод Ўзбекистонда бўлаётган улкан тарихий ўзгаришлар, беқиёс ободончилик ишлари, янги-янги қурилишлар, буюк алломаларнинг тўйлари, халқаро анжуманлар — ҳамма-ҳаммаси миллий гуруримизни ўстиради, тарбиялайди, ўзимизни, ўзлигимизни теранроқ билишга, чуқурроқ англашга даъват этади.

Маънавият ва маърифат масалаларига давлат томонидан катта эътибор берилаётганлиги, муҳим фармон, қарорларининг қабул қилинаётганлиги ҳам биринчи гада миллий гуруримизни камол топтиришга қаратилган. Маънавият ва миллий гурур истиқлолимизнинг таянчидир.

Президентимиз айтганидек: «Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигида, фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий гуруримизда».

*(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1996 й).*

## **ДИЛ ГАВҲАРИ**

### **МУСТАҚИЛЛИК ДАРАХТИНИ АСРАЙ ОЛАМИЗМИ?**

Қафасдаги БУРГУТ мудом осмонга интилади, мудом юксак чўққиларни қўмсайди. Қафасдаги каклик ҳар доим тоғу-тошлар бағрига кетиб қолишни истаydi. Қафасдаги булбул эса тинмай фарёд қилади. Қафаснинг эса совуқ симлари мустаҳкам...

Бургутни какликнинг қафасида сақлаб бўлмайди. Каклик эса булбулнинг қафасига сирмайди. Афсуски, етмиш йил давомида барча қушлар темир қафасда, бир хил шарт-шароитда сақлаб келинди. Оқибатда бургутнинг кўзларидаги жасорат сўнди, каклик бечора бу дунёда тоғлар борлигига ишонмай қўйди, булбул кимнинг қафасига тушса, ўша оҳангда сайрайдиган бўлди. Улкан қафас, лаънати ва иблис қафас қушларни хароб қилди.

Очигини айтганда собиқ мамлакатдаги барча халқ-



лар етмиш йил давомида қафасдаги қушларнинг ҳолига тушган эди. Ҳақ бор экан, мазлумларнинг ҳурлик истаган оху-нолаларини эшитди. «Буюк империя» деб ном олган темир қафас парчаланди. Жуда кечикиб бўлса-да қушлар озод бўлди. Ватанимизда юз очган истиқлолни озод қушларга қиёслаш мумкин.

Озодлигинг, ҳурлигинг муборак бўлсин Ўзбекистоним! Бағрингда мустақиллик дарахтининг илдиз отиб, барг ёзаётганлиги илоё рост ва умрибоқий бўлсин. Асрлар бўйи исканжа ва зулм остида қийналган бу дарахтнинг яшил барглари ҳамон жаранглаётган мисраларни ёдга солади:

*Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-га одам, сен-га инсонсен,  
Кишан кийма,  
Бўйин эгма  
ки сен ҳам ҳур туғилгансан...*

Мустақиллик дарахти ҲАМЖИҲАТЛИК, ҲАМ-ФИКРЛИК, БИРОДАРЛИК сингари мустаҳкам илдизлари билан абадийдир. Энди дунёга туйнукдан мўралаб эмас, балки КАТТА ҚАЛБ, МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ, УЛКАН ФИКР билан боқиш керак. Энди соғлом ақлни ҳам, доно фикр-мулоҳазаларни ҳам тор кўчадан, майда манфаатлар ботқоғидан қутқармоқ зарур. Мустақил юртнинг мустақил одамлари маънавий қашшоқлик, маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик сингари ўта юқумли касалликлардан батамом фориг бўлишлари шарт.

Мустақиллик декларациясининг 10-моддасида ёзилган: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металллар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади», сўзларини ўқиб яна бир карра хурсанд бўлдим. Хайрият, ўз тупроғимизнинг бойликларига ўзимиз эга бўладиган кунларга ҳам етиб келдик. Кўз олдинда эса Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ва уларнинг атрофидаги пажмурда ерлар, топталган табиат манзаралари намоён бўлади. Айниқса, Навоий шаҳридаги юҳо саноат корхоналари ўттиз йилдан ортиқ юрт бойликларини аёвсиз қазиб олиб, ташиб кетди. Атроф-муҳит, сув ва ерни булғгани етмагандек, одамларни турли хил касалликларга дучор қилди. Собиқ тузум раҳбарлари бу ишларни шу маҳалгача шафқатсизларча амалга ошириб келдилар.

Мустақиллик хўрозқанд эмас! У МИЛЛАТ ДИЛИ-ДАГИ БЕБАҲО ГАВҲАР! Ҳамма гап ана шу гавҳарга гард юқтирмасдан асрашда. Афсуски, ҳали орамизда мустақилликнинг туб моҳиятини тушуниб етмаган айрим авомлар ва унинг келажагига шубҳа билан қараётган баъзи бузғунчи зотлар ҳам йўқ эмас. (Бундайлар қачон ва қайси даврда бўлмаган, дейсиз?) Лекин улар дилимиздаги муқаддас гавҳарга тош отмасинлар, ҳуррият шамоли бағрида чайқалаётган Мустақиллик дарахтининг илдизларига болта урмасинлар.

Мустақиллик ҳаммамиздан Ватан, миллат учун ҳар доим ва ҳар қачон ҳушёр, масъул бўлишимизни тақозо этади. Энди ванимларнинг ҳийласига сира-сира учмаслигимиз керак. Худо хоҳласа, бундай бўлмайди!..

Мустақиллик мустаҳкам ва одил қонунлар билан яшайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган барча декларациялар мустақилликнинг ёруғ юлдузидир...

Қаранг, улкан қанотларни ёзиб олган бургут юксак чўққилар сари дадил парвоз қилаётир. Учишдан асло толма, бургутим!

*(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати».  
1991 йил, 13 сентябрь)*

## МИЛЛИЙ ОБОДЛИК ЙИЛИ

Ўтаётган лаҳзалар ўзини кунга қурбон қилади. Ой аста-секин кунларни ютиб бораверади. Аср зиналари сари бораётган йилнинг чақмоғи эса ойдир. Шу боис йилнинг йилт-йилт этиб, чақмоқ янглиғ ўтиб кетганини сезмай қоламиз. Йил тез ўтди-я, деймиз. Аслида ўн йил тез ўтаяптими ё умрми?.. Яшиндай ўтаётган йил умр дафтарига нималарни битди-ю, нималарни ўчириб ташлади? Умр дафтарининг саҳифалари қанча? Буни ёлғизгина Оллоҳ билади, ёлғизгина Оллоҳ сарҳисоб қилади. Бандаси эса йилнинг ортидан орзу умидлар билан ҳаллослаб бораверади. Умр дафтарига шодлигу-қайғулар, қувончу армонлар битилаверади. Инсон бу битиклардан бирини ўқиб қувонади, бирини ўқиб қайғуради. Лекин ҳаёт завқи инсонни йилларни енгиб яшашга даъват этади, куч-қудратини, ақл-идрокни намоён қилади.

Одам ҳеч қачон йилни қувиб етолмайди. Умр

саҳифаси тугаса ҳам йил тугамайди, одам маълум бир бекатда тўхтаса-да йил тўхташ нелигини билмайди, йил чарчамайди, йил ором олмайди. Йил — умрининг шафқатсиз муҳри. Ҳар 365 кундан сўнг босиладиган муҳр. Умр аслида меҳр ва армон муҳрларидан иборат эмасму?

Эй, менинг олис-олис қишлоқлардаги жондошим, қондошим, айт, ўтаётган йил сенинг умрингда қандай унутилмас бахтли лаҳзаларни муҳрлади, юрагингда қандай қувончлар қолдирди? Қандай орзуларинг ушалди-ю қайси ниятларинг рўёбга чиқди? Умр дафтارينгда нелар армон бўлиб қолди? Йиллар армони... Шои айтганидек: «О, йиллар армони, йиллар армони, армон кўрмадим мен сендан буюкроқ...»

Менинг меҳнаткаш юртим, бебаҳо дурдонам — Ўзбекистоним. Йил сўнгида яна бир бор жамолинга боқиб тўймайман! Андижонда янгиликлар яратаётган тадбиркорлар, Фарғонада далаларига чексиз меҳр билан боқаётган уста деҳқонлар, Наманганда руҳи янгиланаётган фидокорлар, Қорақалпоқистон ва Хоразмда тер тўкаётган фидойилар, Сирдарё ва Жиззахда меҳнатга шўнғиб кетган меҳнаткашлар, Самарқандда сирлар очётган ишбилармонлар, Қашқадарё ва Сурхондарёда юксак ҳосил хирмонлари бунёд этаётган бунёдкорлар, Бухорода зар ундириб, Навоийда бебаҳо бойликлар яратаётганлар, Тошкентда улкан ўзгаришлар қилаётган тантиллар — ҳамма-ҳаммаси келажаги буюк Ўзбекистон йилининг ёрқин манзараларини яққол намоён этиб турибди. Саховатли йилларинга асло кўз тегмасин!

Қалбимни маржондай сочдим Ўзбекистон далаларига ва ҳар бир маржон ичинда бебаҳо маржонлар кўрдим, боғларидан марваридлар тердим. Ўтаётган йилни завқ билан кузатиб, янги йилни қувонч билан қаршилаётган ям-яшил майсаларнинг кўшигидан яйрадим, бу ҳосил кўшиғи, ризқ-рўз кўшиғи!..

\* \* \*

Бу йил Адолат ҳақида кўп гапирилди. Йўлбошчимиз АДОЛАТ сўзини катта-кичик йиғинларда қайта-қайта тилга олди. АДОЛАТга қайта-қайта мурожаат қилди.

Адолатли жамият барпо этиш учун катта куч-ғайрат билан ишлаётган фидойи Президентимиз шундай дейди: «Айниқса, раҳбар адолати, злу-юртга етакчи-

лик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган фикримни яна такрорламоқчиман: халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди».

Адолатсизликнинг аниқ ўлчови ёки белгиси йўқ. У қандай кўринишда, ҳолатда бўлишидан қатъий назар, жамият тараққиётига катта зиён етказади, инсон маънавиятини пароканда этади. Ҳақ ва эзгулик йўлидан уни чалғитади. Адолатга бўлган ишончини йўқотади.

Адолат — қонуний жамиятнинг юксак гарови. Адолат ҳамма бирдек интиладиган, ҳамма бирдай талпинадиган офтоб. Ана шу муборак офтоб юзини ҳеч қачон қора булутлар тўсмасин! Адолат тантанаси учун Йўлбошчимизга ҳамфикр, ҳамқадам, ҳамелка бўлайлик. Адолат манзили қанчалар олис, машаққатли бўлмасин, бу йўлдан чекинмайлик. Мустақил Ўзбекистоннинг бугуни, эртаси ва келажаги фақат Адолат билан нурафшон бўлишини асло унутмайлик!!

Адолат йили давом этади...

\* \* \*

Бу йил улуғ боболаримиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг қутлуғ тўйлари бўлиб ўтди. Тарихий воқеага айланган ушбу тўйлар туфайли мамлакатимизнинг икки йирик масканида улуғ ўзгаришлар рўй берди. Бевосита юртбошимиз раҳбарлигида Самарқанд ва Фарғонада ҳайратланарли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, буюк қорақалпоқ шоири Бердақнинг 170 йиллик тўйи зўр тантаналар билан нишонланди. Бундан буюк аждодларимиз руҳлари шод бўлди. Бу шодлик юртга, элга барака келтирсин, ҳар қандай бало-қазолардан асрасин.

\* \* \*

Йилнинг қувончу шодликлари билан бирга алам ва мусибатлари бўлиши табиий. Ўтаётган мураккаб йилнинг энг даҳшатли фожиаси Шохимардон бўлди. Сув офати туфайли бир қанча умрлар бир неча лаҳзаларда оқиб кетди. Биров ширин уйкуда, биров ширин туш оғушида кетди. Кетганларнинг охиратлари обод бўлсин. Ва йил давомида ўтган бандаларини Оллоҳ ўз марҳаматига олсин! Бундай офатлар қайтиб такрорланмасин! Юртим, жафо чекма, қайғу кўрма ҳеч

қачон! Элим, қуёш қўнган юзларингдан фақат севинч ёшлари аримасин! Бағринг ҳамиша бутун бўлсин.

Шиддат билан ўтаётган йилнинг эсда қоладиган ажойиб воқеаларидан яна бири давримизнинг улкан шоири Абдулла Ориповга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилгани бўлди. Ҳали бирор бир шоир Абдулла Ориповчалик Ўзбекистонни буюк муҳаббат, ёниқ эҳтирос, чексиз армон ва ширин изтироб билан куйламаган, «Она халқим, жон-танзим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним» дея дунёга ҳайқирмаган.

*Халқим тарих ҳукми сени агарга  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?*

Собиқ қаттол шўро даврида бундай ўтли мисраларни ёзиш чинакам қаҳрамонлик эди. Не бахтки, халқ шоирига озод ва мустақил Ўзбекистон Президенти қўлидан қаҳрамонлик нишонини олиш насиб этди...

*Айлаин қалбимни тортиқ нурли бўстоним сенга,  
Сен ватандирсан, фидогир танга бу жоним сенга...*

\* \* \*

Йилнинг яна бир жонли воқеаси фидокор ёшларга бўлган юксак ишонч. Ишонч замиридаги фидойилик, жасорат ва умид. Президентнинг дадил: «Мен ёшларни қўллаб-қувватлайман!» дейиши ватанпарвар, миллатпарвар ёшлар қалбида акс садо берди. Уларни мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш учун курашга чорлади. Ёш бургутларга қараб айтамикки, парвозингиз баланд ва бехатар бўлсин! Буюк боболарнинг забт этган чўққилар сари дадил интилавиринглар!

\* \* \*

Ўтаётган йилни ҳар жиҳатдан миллий ободлик йили, деб атагим келади. Йўл обод, бино обод, қишлоқ обод, шаҳар обод, юрт... Энг муҳими бу ободликлар кўнгилларга, қалбларга кўчмоқда. Кўнгил ободлиги — маънавий ободлик, маданий ободлик.

«Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили» — буларнинг ҳаммаси миллий ободликнинг мустаҳкам пойдеворини яратади.

Ўзбекистонда тинчлик, ҳамжихатлик барқарор экан, миллий ободлик давом этаверади.

(«Халқ сўзи», 1998 й. 30 декабрь)

## КАРМАНАНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Икки буюк тарихий шаҳар — Бухоро ва Самарқандни асрлар давомида бир-бири билан ҳар томонлама боғлаб келаётган қадимий шаҳарлардан бири шубҳасиз, Кармана ҳисобланади. Буюк Ипак йўлида жойлашган Кармана азадан савдо, маданият ва маърифат ривожланган йирик тарихий масканлардан бири бўлган. Бу ҳақда машҳур тарихчи Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида кенг ва аниқ маълумотлар берилган. Ҳатто «Карманада адиб ва шоирлар кўп бўлганлар» дея юксак таърифланган. Буюк саркарда ва мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг машҳур «Бобурнома» асарида Карманага ҳўб гўзал ва бетакрор таъриф бериб кетган. Бу кўҳна заминга Искандар Зулқарнай, араб халифалари, Чингизхоннинг шум қадами етиб келган ва қайта-қайта вайрон қилинган. Босқинчиларнинг мислсиз шафқатсизликларига қарши ҳамиша карманаликлар мардона туриб курашганлар. Халқ қаҳрамонлари Спитамен, Муқанна, Маҳмуд Таробийларнинг озодлик учун жанглари айнан Карманада бўлгани билан қадрлидир.

Халқимизнинг фахр ва ифтихорига айланган — Имом ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Али Қушчи сингари машҳур зотларнинг муборақ қадамлари теккан ва назарлари тушган Карманага!

Тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятов ўзининг «Амир Темур — работи Малиқда» (1998 й.) китобида қадим Кармана ва унинг тарихий обидалари Работи Малик ҳамда Сардоба ҳақида қизиқарли маълумотлар бериш билан бирга, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг Карманада бўлганлигини исботловчи қатор тарихий манбаларни кўрсатиб берган. Работи Малик карвонсаройи Чўли Малиқда қурилган бўлиб, Буюк Ипак йўлининг машҳур бекатларидан бири ҳисобланади. Бу обида Шарқу Фарбни борловчи жой эканлиги, қурилиши ва тузилиши билан дунёвий аҳамиятга эгалиги билан диққатга сазовор-

дир. Манбаларда ёзилишича, Работи Малик карвонсаройи тахминан 1069—79 йилларда Қорахонийлар сулоласига мансуб Бухоро ҳукмдори Малик Шамсулмулк даврида қурилган. Унинг яна бир номи «Шоҳи Работ»дир. Европалик сайёҳ ва ўлкашунос Л. Леман 1841 йилда Работи Маликда бўлиб, карвонсаройни аниқ ва тўлиқ тасвирлашга ҳаракат қилган. Машҳур сайёҳ Х. Вамбери ҳам «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» китобида Работи Маликка алоҳида таъриф берган. Шунингдек, карманалик ижодкорлар Ахтам Ҳотамов, Шухрат Халиловнинг «Йиллар садоси» (Кармана тарихидан лавҳалар, 1995 й.) китобида ҳам бу қадим Кармана ва унинг атрофидаги қишлоқлар тарихи, маданий ёдгорликлари, урф-одатлари, анъаналари тўғрисида анчагина қизиқарли маълумотлар берилган.

Хўш, қадим тарихга эга бўлган бу машҳур шаҳарнинг бугунги аҳволи қандай? Нега ва нима учун Кармана бундай хароб қолга тушиб қолди? Карманадаги тарихий ёдгорликлар, маданий обидалар, машҳур чорбоғлар қачон тикланиб, қачон таъмирланади. Ва умуман, уларни қайта тиклашнинг иложи борми?

Президент Ислом Каримовхалқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Кармана шаҳрининг бугунги аҳволи ҳақида ҳам тўхталиб, жумладан шундай деди:

«Азиз биродарлар, барака топкурлар, айтингларчи, сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Кармана шаҳрининг ёши нечада? Ёки Чўли Маликдаги эски работ ва сардоба қачон пайдо бўлган? Сармиш дараси ва ғоридаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан бири эканидан дарак бермайдими?..

Навоийликлар фахр этса ва ўзгаларга кўз-кўз қилса арзийдиган нарсалар, буюк ажодларимиз ақлу заковати билан бунёд этилган тарихий, маданий ёдгорликлар озми?

Бунинг қадрига етиш, таърифу тавсифини жой-жойига қўйиш, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тараннум этиш учун, энг аввало шу юрт фарзандларида чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинакам ихлос бўлиши керак, деб ўйлайман».

Президент Кармана ҳақида куюниб гапириш билан бирга, бизни ўзимиздан, ўзлигимиздан яна бир бор огоҳ этди. Ўз вақтида билдирилган бу жиддий огоҳ, бизнинг қай даражада ватанпарварлигимизни, тарих

ва тарихий обидаларга, маданий ёдгорликларга бўлган муносабатимизни яққол кўрсатиб турибди.

Президент ўртага қўяётган бу оғир саволларни вилоятнинг собиқ раҳбарлари билармиди? Албатта биларди. Чунки уларнинг аксарияти айнан Кармана шаҳридан кунига 2—3 марта ўтиб қайтарди. Фақат уларда ватанпарварлик, шу қадим ва кўҳна заминга бўлган меҳр-муҳаббат, жиндай эътибор етишмасди..

Аччиқ ҳақиқатни тан олиб айтиш лозимки, Кармана аввало одамларнинг эътиборсизлиги туфайли вайрона аҳволга тушиб қолди. Уларнинг бош раҳнамоси — собиқ совет ҳукумати эди. Шўронинг зулми туфайли 50-йилларда фақат одамларни эмас, балки Карманадаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳам қатағон қилиш бошланди. Карманада асрлар давомида қад ростлаб келган Работи Малик карвонсаройи, Сардоба, Кўҳна Қўрғон мажмуаси, Арк, Амир қароргоҳи ва ўндан ортиқ машҳур чорбоғлар аста-секин йўқотила бошланди. Масалан, Кармана аркининг тупроғи 1956 йилда Тошкент — Бухоро катта йўл қурилишида ишлатилган. Бу қурилишларда асосан Аркнинг ғиштларидан фойдаланилган. Шунингдек, Кармананинг баҳаво жойларида бунёд этилган Мирзо чорбоғ, Чармгар чорбоғ, Хон чорбоғ, Гул чорбоғ, Носирбодом чорбоғи, Закотчи чорбоғи ҳам турли баҳоналар билан аста-секин буздириб юборилган. Уларнинг ўрни асосан пахтазорга айлантирилган.

Хуллас, 70-йилларга келиб Мир Саид Баҳром мақбараси, Қосим Шайх мажмуасини қисман таъмирлаганлигини ҳисобга олмаганда, Кармана ўз ўтмишидан шафқатсизларча жудо қилинди, асл қиёфасини йўқотди. Сўнгги 30 йил ичида Кармана тақдири учун ҳеч ким қайғурмади. На қурилиш, на ободончилик ишлари амалга оширилди. Охир-оқибат Президентимиз таъкидлаганидек, Кармана анчагина ташландиқ аҳволга тушиб қолди. Навоий туман собиқ раҳбарлари томонидан айрим уринишлар бўлди. Лекин бу ҳафсасиз уринишлар билан Кармана тuzалмади. Фақат мустақиллик туфайли Қосим Шайх мажмуасини таъмирлаш ниҳоясига етмоқда.

Яна бир ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиш лозимки, Навоий шаҳри sanoат корхоналари Кармана экологиясини бутунлай издан чиқарди. Кармана ва унга туташ бўлган бир қанча йирик қишлоқлардаги аҳвол аллақачон танг ҳолатга келиб қолган. Тез орада жиддий



чоралар кўрилмас экан, Кармана ва унга туташ қишлоқлар экологик ҳаловат исканжасида қолиб кетиши аниқ. Кейин кеч бўлади!..

Президент Кармананинг ёшани сўраб, жуда долзарб ва ҳаётий масалани ўртага қўйди. Тарихий манбаларда ҳамиша Самарқанд ва Бухоро билан ёнма-ён тилга олинадиган бу қадим шаҳарнинг ёшани аниқлашда Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази, Навоий вилоят ҳокимлиги бу жиддий масалани чуқур ўрганиб, тез орада аниқ таклифларни беришлари зарур. Бу учун барча тарихий манбалар етарли деб ўйлаймиз. Мустақиллик шарофати билан Кармананинг ҳам муборак тўйи нишонланса не ажаб? Шунда яна бир тарихий маскан обод бўларди, яна бир тарихий ҳақиқат тикланарди.

Хуллас, Кармана шаҳри муаммоларини ҳал этиш Президент томонидан тўғри ва ҳаққоний айтилди. Эндй ҳамма гап вилоят, туман ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ғайрати, шижоати ҳамда Президентимиз таъкидлаганидек, «чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинакам ихлос»га боғлиқ.

Яна бир жиддий муаммони айтмай иложимиз йўқ. Шундай қадим ва маданий ёдгорликларга бой бўлган шаҳарда бирор бир тарихий музейнинг йўқлиги кишини ажаблантиради. Бу ҳам собиқ шўронинг ғаразли унсурларидан бири эди. Ўтмиш изсиз халқнинг хотирасидан ўчиб кетиши лозим эди. Аслида шундай бўлди ҳам. Кармана ва у билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар, манбаларнинг кўпчилиқ қисми аллақачон йўқолиб кетди. Агар музей барпо этилганда, улардан айримларини асраб қолишни иложи бўларди. Ҳали ҳам кеч эмас. Карманада ўз тарихий-маданий ёдгорликлар музейини ташкил этиш вақти келди.

(«Мозийдан садо», 2000 й., 1—2-сон)

## **ЙЎҚОЛСИН ҚОҒОЗБОЗЛИК!**

*Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган маърузасини тинглаб кўнгулда туғилган монолог*

Иллатнинг ҳам иллоти бўладими, деб ҳайрон қола-япсизми? Албатта, бўлади! Иллатлар ичра энг ярамас иллатлардан бири — қоғозбозликдир. Бу дарди бедаво

касалик бизларга собиқ шўролар тузумидан мерос бўлиб қолган. Агар ўша замонларни эсласак, манзара аянчли эди. Яъни энг ёмони қоғоз «уруф» бўлиб ерга экиларди, қоғоз гуркираб «ўсиб» чиқарди ва мўл-кўл «ҳосил» берарди. Оқибатда қоғоз «хирмонлар» пайдо бўларди. Қоғозда экилиб, қоғозда бунёд бўлган тоғ-тоғ «хирмонлар» эвазига қанчадан-қанча одам мукофотлар билан тақдирланарди, лавозимларга эга бўларди. Айниқса, қоғоз-қурилишлар авж олиб кетганди; бир томонда қоғозкўприк, бир томонда қоғозуй, қоғозмактаб, қоғозбоғча, қоғоз кўчалар анчагина сероб эди...

Қоғозлар режа тузиб, қоғозлар тантанали рапорт берарди. Қоғоз турганда чин сўзга, тўғри гапга ҳеч ким ишонмасди. Чунки, одамнинг тақдирини ҳам бир парча қоғоз ҳал қиларди. Қоғозда нима ёзилган бўлса, шу ижро этиларди. Қоғоз ҳибса олиб, қоғоз сўроқ қилиб, қоғоз ҳукм чиқарарди. Оқибатда шўрлик бир банда ҳақсизлик қурбони бўлиб кетарди. Тилсиз, жағсиз қоғоз эса ҳужжат сифатида сарғайиб қолаверарди. Сарғайган қоғозларнинг ҳисоби йўқ...

Хуллас, тўғри сўз, эзгулик ва самимиятдан кўра, ёлғончилик, ҳақсизлик, кўзбўямачилик, кўшиб ёзиш қоғозбозликнинг асосий манбаи ва вазифасига айланган эди. Айтиш мумкинки, барча соҳаларда авж олиб кетган ашаддий қоғозбозлик касали охир-оқибат собиқ иттифоқнинг илдинини емирди, пароканда қилди. Пойдевори қоғоздан бўлган жамият қоғоз мисол парчаланиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз айтганидек, қоғозбозлик собиқ совет даври асорати бўлиб, бу илатдан қутулишимиз анча қийин кечаяпти. Ҳали ҳануз қоғоз билан яшаб, қоғоз билан нафас олиб келаётган раҳбарлар, хўжаликлар, ташкилотларнинг борлиги жуда ҳам ачинарлидир. Қоғоз билан қилган хато ёки айбни қоғоз билан ёпадилар. Айрим идораларда қоғозбозлик шу қадар илат отиб кетганки, бу жойларга ишингиз тушиб қолганидан нафратланасиз, баъзида ёниб кетасиз. Чунки қоғозбозликнинг ортида таъмагирлар, порахўрлар, юлғичлар кўзларини олайтириб турибдилар. Бир парча қоғозни, оддий имзони рўкач қилиб, ўғри мушук сингари чўнтакни пойлашади, томоқларини қириб қуруққа йўталишади.

Қоғозбозлик илатидан кўпроқ ишбилармонлар, тадбиркорлар жабр кўряптилар. Улар ишлаш ўрнига, янгиликларни жорий қилишдан кўра қоғозбозлик зан-

жирига боғланиб қоляптилар. Асосий вақтлари қоғоз-бозлик билан ўтяпти. Улар эшикма-эшик қоғоз кўтариб юришдан, қоғозларни эгаларига топширолмасдан гаранг, сарсон-саргардон...

Айрим назорат ташкилотларининг ҳам қоғозбозлик исканжасида қолаётганлиги сир эмас. Бу ҳақда Президент қайта-қайта куюниб гапираётгани ҳаммамизга аён. У киши тадбиркорга, ишбилармонга эркинлик берайлик, ҳар хил назоратдан қутқарайлик, уларни айниқса, қоғозбозлик иллатидан асрайлик, деб бонг ураётир.

Эй, баднафс қоғозбоз, еб тўймас қоғозбоз, очқўз, очофат қоғозбоз! Нафсингни тий, акс ҳолда томоғингга қоғоз тиқилиши аниқ. Қўлингни тий, акс ҳолда сохта қоғозлар туфайли темир «балдоқ» тақилиши мумкин. Қуруқ ваъдалар бераётган тилингни тий: акс ҳолда қоғозбозлик туфайли юзинг қора бўлади, элнинг, юртнинг назаридан қоласан.

Қоғозбозлик иллоти турғуналикка олиб келади, ислохотлар йўлига ров бўлади. Бизнинг эртанги кунга бўлган ишончимизни йўқотади. «Ёлғоннинг умри қисқа», деган халқ мақоли бевосита қоғозбозлар ва қоғозбозликка ҳам тегишлидир. Бу ярамас иллатдан қанча тез қутулсак, тараққиёт йўлимиз шунча равшан ва эркин бўлади. Президентимиз айтган: «Эркинлик, эркинлик ва яна эркинлик» сўзларига амал қилиб, у кишининг «Йўқолсин қоғозбозлик» деган даъватини ҳам унутмайлик.

(«Фидокор», 2000 й., 15 февраль)

## ИСТИҚЛОЛ ВА МАТБУОТ

### «Хуррият» анкетасига жавоблар

1. Сизнингча, мустақиллик йилларида ўзбек журналистикасида қандай ўзгаришлар юз берди?

2. «Сенсация — матбуотнинг нони» деган фикрга муносабатингиз?

3. Матбуот Истиқлол манфаатларига янада фаол хизмат қилиши учун қандай амалий таклифларингиз бор?

1. Ўзгаришлар ҳамон бўляпти. Энг муҳими, матбуотда мустақиллик ва миллий уйғониш руҳининг чуқур кириб бораётганлиги қувончли. Фақат янгидан қури-

лаётган мустақил жамиятга, бозор муносабатларига асосланаётган ҳаётга тезкорлик билан сингиб кетиш бироз чўзилапти холос. Умуман, ҳали матбуотда катта миқёсдаги ўзгаришлар бўлаётгани унчалик сезилмаяпти. Энди эришаётган ютуқлар, ибратли ўзгаришлар ўзимизники. Савол баҳонасида ана шу ютуқларни, ўзгаришларни янада юксак поғоналарга кўтариш мумкинлиги юзасидан айрим шахсий мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Гапнинг очиги, ўзбек журналистикаси бозор иқтисоди шароитига мослашишдек оғир ва мураккаб жараённи кечираётгани сир эмас. Энди бунинг ўзига хос жиддий сабаблари бор. Лекин мавжуд мураккабликларга қарамай, матбуот одамлар қалбида, онгида, ижобий ўзгаришлар яшагга интиляяпти.

Ҳар қандай матбуот нашри фақат журналист таланти, заҳматли ижоди орқали юксалади, ўз ўқувчисини топади. Бизда журналист касбининг ичида жўшиб юрганлардан кўра, атрофида айланиб юрганлар, талантдан кўра тасодифий ҳаваскорларнинг кўпайиб кетаётгани ташвишли... Баъзи-баъзи ҳолатларда матбуот курашишдан кўра муроса, келишувчанлик йўлини ахтараётганини кўриб киши ранжийди.

Журналист касби замирида тинимсиз ўқиш, излаш, маҳорат, машаққат ва яна машаққат ётади. Аслида машаққатдан чўчимаслик керак. Лекин баъзида машаққатдан кўра маишатни афзал кўрамыз. Ўқиб ўрганишдан кўра чала-чулпа эшитиб, ёзиб қўя қоламиз. Маҳоратни ошириш, воқеа ҳодисаларни чуқурроқ ўрганиш ўрнига осон ва қулай йўлни ахтарамиз. Масалан суд ҳукмини олиб қулоч-қулоч мақола ё суд очерки «ёзиш» бу — журналистика эмас. Журналист жараённинг ичида бўлиши, ўз нуқтаи назарини баён этиши лозим. Санай берсак қусурларимиз кў-ўп... Афсуски, бу қусурлар кўпчилик ҳамкасблар каби каминга ҳам тегишли. Яқин орада матбуотда чинакам ўзгаришлар содир бўлишига ишонаман.

2. Сенсацияда кўпроқ ҳангоматалаблар ҳузур қилади. Нуқул «Сенсация — маҳоратнинг нони»га асосланган нашр ўқувчини чумчуқ фикрга ўргатади. Бу «нон»ни кўп истеъмол қилиш нафақат ақлга, балки мафкурага ҳам ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки сенсация айна саратонда ёққан ёмғирга ўхшаб, қанча тез ёрса, шунча тез қурийд. Фақат шов-шув қилиш, доврўф қозониш учун уюштирилган сенсациядан ҳаминша эҳтиёт бўлиш керак. Ғарб мат-

буотини билмадиму, лекин Шарқда сенсация қилиш-да жиндай ҳаё, жиндай инсоф ва албата андиша бўлгани яхши.

3. Бу замонда нима сероб, таклиф сероб, нима арзон таклиф арзон. Таклиф бозори қайнаб турганидан фойдаланиб айтмоқчиманки, биринчи гада мустақиллик йилларида журналистика, матбуот ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида қабул қилинган барча яхши қонунлар ишлаши шарт. Ишламаган қонун ҳазм бўлмаган таомга ўхшаб қийнайди.

Иккинчидан, журналистика касбининг нуфузини ошириш пайти келди. Токи ҳар нафасда: жамият ҳам, одамлар ҳам, журналист борлигини ҳис этсин, матбуотнинг ҳақиқий куч-қудратига ишонсин. Таҳририятлар эшигидан адолат истаб келган одамлар ноумид бўлиб қайтиб кетмасинлар.

Учинчидан, Бош муҳаррирларга бўлган ишончсизлик кўпригини бузиб ташласак, бундан фақат матбуот ютади.

Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, жамиятда эркинлик бўлиши керак. Эркинлик — миллий матбуотни уйғотади, мустақилликни янада мустаҳкамлайди, чин ватанпарварлар, фидойилар сафини кенгайтиради.

*(«Хуррият», 1998 йил, 5 август)*

## **РОЗИЛИК ВА ОГОҲЛИК АСРИ**

Ўтаётган лаҳзалар асрга дахлдор. Чунки лаҳзалар дақиқаларни, дақиқалар кунларни, кунлар эса ҳафталарни, ҳафталар ойларни, ойлар йилларни, йиллар эса аста-секинлик билан асрни тугади. Асрнинг тугилиши чинакам тарихий ҳодиса ҳисобланади.

Неча-неча асрлар ва мингйилликларни бағрига жойлаган буюк тарих бор-йўғи яна бир саҳифасини оҳистагина ёпиб, янги саҳифасини очади. Шу билан яна бир асрни ўз саҳифасига муҳрлайди.

Асрдан асрга кимларни, нималарни, қандай кашфиётларни, асарларни, воқеа-ҳодисаларни, фазилатлар ва илатларни қай тарзда, қайси мезон асосида олиб ўтишни фақат доно тарих ҳал қилади. Фақат тарихнинг шафқатсиз қалами белги қўяди.

Аср ҳар юз йилда бир бора нафас олади. Унинг шиддатли нафасида ўт олов ҳам, чанг тўзон ҳам, соф

мусаффо ҳаво ҳам бўлиши табиий. Ўтаётган XX аср нафаси инсониятга турфа тўфонлар, кулфатлар, урушлар, офатлар билан бир қаторда беқиёс даражада техника тараққиёти, жаҳоншумул ўзгаришлар, ҳайратли интеллектуал бойликларни ҳам инъом этди. XX аср эркин инсоннинг эркин фикри, эркин тафаккури, қандай буюк кашфиётлар яратишга қодирлигини ҳар жиҳатдан исботлади. Бу борада буюк талантларни ҳада этди.

XX асрнинг сиёсий ҳаёти вулқонга ўхшаб гоҳ қайнаб турди, гоҳ тин олди. Баъзан инсоният бошига мисли кўрилмаган ғам-ташвишлар келтирди. Масалан, аср бошларида пайдо бўлган комфирқанинг қатағон сиёсатига асосланган қизил империя олови аср сўнгигига келиб бир нафас билан ўчди. Аср ҳалокати деб баҳоланган «Титаник»нинг аҳволига тушди...

Аср бошларида айниқса, ўзбекнинг фидойи зиёллари, асл фарзандлари озодлик, хурлик ва ВАТАН мустақиллиги учун аёвсиз курашиб, бу йўлда жонларини фидо қилдилар. Собиқ шўронинг қатағон механизми уларга омонлик бермади. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, аср яқунланишига ўн йил қолганда Ўзбекистон мустақил бўлди, ўзбек халқи озодлик, хурлик йўлини танлади. Ва бу йўлда буюк келажак сари дадил интилмоқда. Энди мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш фақат ўзимизга боғлиқ, ҳар қандай қора кучларга фақат ўзимиз қалқон бўламиз.

Биз XXI асрга ана шундай улуғ мақом, мақсад ва масъулият билан кириб бораяпмиз. Тараққиёт ва юксалишнинг қай даражада бўлиши аввало, маънавиятимизнинг ва интеллектуал салоҳиятимизга боғлиқ. Буюк келажак қоғозларда эмас, юртбошимиз айтганидек, ҳар биримизнинг фидойилик билан қилаётган ҳалол меҳнатимиз билан яратилади. Бу жараён биздан руҳий покликни, ақлий теранликни ва мавжуд қонунларга ҳамма бирдек итоат этишини талаб қилади. Қонунга бўйсуниб ҳуқуқий демократиянинг асосидир.

Ушбу мулоҳазаларни ёзипману, беихтиёр болаликдан вужудимга ўрнашиб қолган собиқ шўро давридаги қўрқув, ҳадик, хавфсираш ҳисси ҳамон ғимирлаётганини сезиб турибман. Отамиз (у кишини Оллоҳ раҳмат қилсин) анчагина қаттиққўл эдилар. Отам оиламизда ички «темир интизом» ўрнатганди. Онам (Оллоҳ раҳмат қилсин) ҳам биз, ўн нафар бола ҳам у ки-

шининг тартиб чизифидан чиқмасдик, у кишининг қошу қовоғига, кўрсатмасига қараб иш тутардик. Уйимизда эмин-эркин суҳбат, ортиқча ўйин-кулги, тўй-хашамларга, байрамларга бориш, кўни-кўшниникига сўроқсиз чиқиш, хуллас, бемалол нафас олиш йўқ эди. Ҳаммамиз — Отамиздан ҳам қўрқардик, ҳам ҳайиқардик. У кишининг товушини эшитсак ёки жаҳли чиққанини сезсак, юрагимизга титроқ кирарди. Ана шундай қўрқув, ҳадик таъсирида ўсиб, ҳатто ўз соямиздан қўрқадиган бўлиб вояга етдик. Масалан, отам биздан «Яхши ўқинглар, одобли бўлинглар, дадил гапиринглар, ўз сўзларингга эга бўлинглар», деб қайта-қайта талаб қиларди-ю, лекин оилада ҳеч қандай эркинлик йўқ эди. Ўқиганимиз, билганимиз ичимизда эди. Қўрқув одамни аввало муте қилиб, сўнг руҳий ва ақлий парокандаликка олиб келишини ўшанда тушунганмиз..

Катта бўлганимиздан сўнг паст-баладга ақлимиз етиб билдикки, отамнинг оталари, яъни раҳматли бобомиз собиқ шўронинг сиёсий тамғаси билан қатағонга учраган экан. Эрта етим қолган отам ўша мудҳиш 37-йилларнинг даҳшатли воқеалари таъсирида вояга етгани учун ҳам қўрқув, хавфсираш балоси бутун вужудини ўраб-чирмаб олган эди. Отам аслида дилкаш, самимий суҳбатдош, яхши улфат, кўнгли ва дастурхони очиқ бўлганлари билан қўрқув муҳитида ўсиб-улфайгани учун ҳам бизларни қўрқув исқанжасида ушларди. Афсуски, ўзлари ҳам умрларининг охиригача қўрқув занжиридан чиқиб кетолмади. Сабаби — собиқ шўро тузумининг асосий бошқарув воситаси одамларни турли йўллар билан қўрқитиб, халқларни фақат қўрқув, ҳадик сиёсати остида бирлаштириб турарди. 70 йил ҳукмронлик қилган сиёсатнинг асосий ўзаги ҳам қўрқитиш усули бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас....

Бутун юртбошимиз бизларни мудом эркин ва жасоратли бўлишга чорлаётган бир пайтда баъзан жим ўтиришни хуш кўрамиз, баъзан ичимиздаги ҳадикни енголмай қийналамиз. Баъзида эса қўрқув хасталиги хуруж қилиб қолади. Янги асрда собиқ шўродан мерос бўлиб қолган бедаво дардлардан бири — қўрқув, ҳадик қалбимизни, вужудимизни батамом тарк этишини жуда-жуда истардик..

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз сўзга чиқиб: «Энг катта бахт розилик» деб айтдилар. Сўнгра у киши давом этиб, ичимиздаги,

оёғимиз остидаги хавфдан ҳамиша ўзимиз ва фарзандларимиз огоҳ бўлишини қайта-қайта таъкидладилар.

Биз ўтаётган асрдан мустақиллик ва озодлик бергани учун, тинчлик ато этиб келаётгани учун розимиз. Энди ана шу мустақиллик ва озод Ватан тақдири, келажаги учун ҳамиша ва ҳар доим огоҳ бўлайлик.

Яна бир жиддий мулоҳаза; ўтаётган асрда қатор экологик фожиалар ҳам рўй берди. Одам боласи табиатни аёвсиз топташи оқибатида ўзи ҳам маънавий экологияга маҳкум бўлди. Янги асрда ички ва ташқи экологияга эътибор янада кучаяди. Инсоният маънавий экология билан бирга табиат экологияси учун ҳам аёвсиз курашади, уни асл ҳолига қайтаришга ҳаракат қилади. Ўз вужуди ва ички олами билан бирга атроф муҳитни тоза, покиза тутишга дадил интилади.

Янги аср — тинчлик, розилик, покизалик ва албатта огоҳлик асри бўлсин!!

(«Фидокор», 2000 й., 30 декабрь)

## ХААҚ ЧЕҲРАСИ ТОЗА

Шоир Абдулла Ориповнинг

«Жавоб» шеърини ўқиб

ТАСАВВУР ҚИЛИНГ: минг азобда экилган, икки кулоқ бўлиб ер ёрган гўзаларни лаҳзалар ичида дўл яксон қилиб, лойга қориб ташлади. Шўрлик деҳқон вужуди титраб, жон ҳолатда далага отилди. Кўзларидаги ёшни артмай, кўллари қалтираб лойга қоришиб қолган гўзаларини кафтига олиб, тикламоқчи бўлди. Бефойда! Эссизгина меҳнат — ҳаммаси ҳайф кетди. Дала селгиши биланоқ яна ер ҳайдаб, яна уруғ сочди....

ТАНИШ МАНЗАРА: жазирама офтоб тафтидан, ҳатто сояда нафас ростлаш оғир. Нимжон бола беланчақда инграйди. Юзларини офтоб урган бечора она эса боласидай азиз гўзаси бошида парвона бўлиб, пайкалларда ҳансирайди. Жазирама бошдан товонгача куйдиради. Чунки гуллай бошлаган гўзани сувга қондириш керак...

ЭНДИ ЎЙЛАБ КЎРИНГ: кеч куз, қишнинг совуқ нафаси уфура бошлаган. Лекин шўрлик пахтакор ҳамон далада. Киприкларига муз қўна бошлаган кўзлари сўнгги чаноқда. Увишган бармоқлари билан сўнгги чигитларни териб олмоқда...



Э, умрингиздан барака топинглар-е, жонларингиз темирдан ҳам қаттиқ экан! Минг азоблар билан топганларингиз илоё тўйга, яхши кунларингизга, азиз меҳмонларингизга буюрсин, деб дуо қиласан. Шундай пайтда ўзбек пахтакорининг бу оғир манзараларидан мутлақо беҳабар, машаққатли меҳнат жараёнларини кўзи билан кўрмаган баъзи кимсаларнинг ҳеч тап тортмай халқни текинхўрликда, боқимандаликда айблаб, ҳамма ёққа жар солишлари виждонсизлик, юзсизлик эмасми? Ҳа, фақат юзсизлар ва инсофсизларгина шундай дейиши мумкин. Отасидан улуғ меҳмони шарафига пешона тери билан топиб, ҳалол безатилган дастурхонни кўрган бошқа бир кимсалар эса бу — пора, деб ҳақорат қилишларига чидаб бўладими?! Ахир меҳмонга чақириш, меҳмон кутиш, меҳмондўстлик минг-минг йиллардан буён халқимиз қонига сингиб кетган, барча даврлар синовидан ўтган, наинки собиқ Иттифоқ, балки жаҳон халқларини ҳам танг ҳайратда қолдирган муқаддас урф-одати-ку!

*Мурувват нелигин билмас меҳмоним,  
Кўзи оч, еб тўймас, беқўним гадоӣ.  
Пора бўлибдими бир бурда ноним,  
Пора бўлибдими бир пиёла чой?*

Ўзбек хонадонига истаган пайтда (баъзи халқлар сингари олдиндан огоҳлантирмасдан) эшик қоқиб, бемалол меҳмон бўлиб бориш мумкин. Соҳиби хонадон сизни қучоқ очиб, самимий чеҳра билан кутиб олади. Агар меҳмонни яна ҳам эъзозлагиси келса, қутлуғ қадамига бирор жонлиқни фидо қилади. Қўни-қўшни, ёру-биродарларини меҳмон қошига чорлайди. Эртасига эса улар меҳмонни бирин-кетин меҳмонга таклиф қилишади. Улар эса меҳмонни мезбондан ҳам яхшироқ кутиб олишга интиладилар. Худди ўз меҳмонларидай яйраб хизматда бўладилар.

Меҳмон қадами теккан хонадон байрамга айланади. Мезбон меҳмоннинг кўнглига заррача озор бермасликка, ҳатто кичик бир камчиликка ҳам йўл қўймаслик илинжида елиб-югуради, атрофида парвона бўлади. Ахир халқимизда «Меҳмон — атоӣи худо», «Меҳмоннинг итини тур дема» сингари мақоллар бежиз айтилмаган..

Ўзбек учун миллатнинг катта-кичиги бўлмагандек, меҳмоннинг ҳам яхши-ёмони йўқ. Мезбонликни барчага тенг кўради. Халқимизнинг меҳмондўстлиги бай-

налмилаллиги билан шу қадар уйғунлашиб кетганки, буни республикамизда деярли барча миллат вакиллари яшаётганлигидан ҳам билса бўлади. Бу халқдан наинки чинакам меҳмондўстликни, ҳақиқий байналмилалликни балки буюк инсонпарварликни ҳам ўрганиш мумкин. Лекин бу ибратли хусусиятларни айрим калтабинларга ўхшаб кўнгли бўшлиқка, мутеликка, «хўп-хўп»чиликка, энг даҳшатлиси порахўрликка ёймаслик керак. Бу халқнинг ҳам ор-номуси, имон-эътиқоди, шаъни бор ахир. Унинг азалий урф-одатларини, миллий анъаналарини қоралашга, ҳақорат ё калака қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу шундай халқки, ўзи емаса ҳам, киймаса ҳам ўзгаларни сира оч-яланғоч қолдирмайди.

*Ҳафталик ёвғонга қаноат қилиб  
Фурурни сақлаган жўжабиргай жон.  
Мезбонлик йўриғин муқағдас билиб,  
Қунишган елканга ташлабди чопон.*

Сўнги тўрт-беш йил ичида ана шу чопон ичида туриб халқимиз шаънига тош отувчи безорилар устаси фаранг, қаллоб қонун ҳимоячилари, кўпикдай енгил шов-шувлар тарқатиб, сохта обрў орттирмоқчи бўлган айрим нўноқ қаламкашларнинг «ижоди» жўш уриб кетди. Улар заррача ўйлаб-нетмай, андиша қилмай беш-ўн раҳбарнинг хатоларини пешлаб, халқ номига доғ туширмоқчи бўлдилар. Бу ҳақида собиқ Иттифоқда ёзмаган бирор матбуот органи қолмади, десак хато бўлмайди. Гўё улар худди шу мавзуда ўтказилаётган конкурсда ғолиб чиқиш учун бир-бирларига гал бермай, баъзан бир-бирларидан ўтказиб халқимизни етти иқлимга «таърифладилар».

Бу нопок ишларни халқимизнинг кимлигини билмайдиган, тарихини ўқимаган, маданиятини англаб етмаган ё билса ҳам тан олишни истамайдиган бир ҳовуч кимсалар амалга оширадилар. Уларнинг бу ғаразли хатти-ҳаракатлари, қилмишлари ҳар доим она-тупрофимизнинг оппоқ пахтасини, турли ноз-неъматларини баҳам кўриб, ҳамиша тўкин-сочин дастурхонимизнинг парвонаси бўлиб, сўнг ҳаммасига онкўрлик, ношукрлик қилиш билан баробардир! Тухматни туфлаш билан муҳрлаб бўлмайди. Қайтиб у одамнинг ўз башарасига тушиши мумкин.

*Эгасиз санғиган ҳар гайди жонзот  
Бошини силасанг қўлинг тишлайди.*

*Ногаҳон ғингибсан, инсон наҳот,  
Муздек юрагинга ғараз қишлайди...*

«Мен илгари ҳам гапирган эдим, яна бир бор так-  
рорлайман, биз, афсуски, марказий матбуот ҳам, йўл  
қўйганидек, воқеаларни бачканалаштириш, рўй берган  
ҳодисалар учун масъулиятни бутун ўзбек халқи зим-  
масига юклаш, унга ёппасига ёрликлар тақиб қўйиш  
йўлидаги пала-партиш, мутлақо асоссиз уринишларга  
рози бўла олмаймиз ва ҳеч қачон рози бўлмаймиз.  
Байналмилалчилик, хайрихоҳлик, саховат ва меҳмон-  
дўстлик ўзбек халқига хос хусусиятлардир», — деди  
йўлбошчимиз Ислоҳ Каримов.

Ҳаққоний фикрлар! Ҳар бир яхши-ёмон нарсанинг  
чегараси бўлганидек, халқ шаънига доғ тушириш,  
уни бадном қилишнинг ҳам сўнги нуқтаси бордир.  
Зўравонлик, турткилаш ва таъқиб этиш ҳамини турли  
норозиликлар туғдирган. Норозилик эса маънавий  
исёнга олиб келади. Шу боис ҳам халқимиз шаънига  
оғир туҳматлар ёғдирган, «Огонёк» журналининг 29-  
сониди эълон қилинган «Кўланка» мақоласига респуб-  
лика матбуоти ўз вақтида зарба берди. Бундан кейин  
ҳам халқимиз номига айтилган ноҳақ сўзларга, ёлғон  
ва сохта маълумотларга ўз вақтида дадил жавоб бе-  
райлик. Шоир эса туҳматчиларга шундай жавоб қила-  
ди:

*Тош берса ютгувчи эй, нафси ёриқ,  
Хайру эҳсонимни майли унутгин.  
Елканг тўн кўрмасин, оёғинг чориқ,  
Дўстга зор бўлгину бир кам ўтгин.*

Давримизнинг буюк адиби Чингиз Айтматов хал-  
қимиз бошига оғир кунлар тушганда уни дадил ҳимоя  
қилиб чиқди. «Ўзбек меҳнаткашлари мамлакат учун  
қилган ишларни айтаверсак, булар бари бошимизни  
қуйи эгиб таъзим қилишга сазовордир. Қадим-қадим  
ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсири-  
ни кўҳна Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъси-  
ри билан қиёслаш мумкин.

Советларгача бўлган даврларга ва совет даврида ва  
Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз  
бўлиб келган... Йўқ, ўзбек халқининг тоза чехрасига  
ҳеч нарса доғ сололмайди», — деб ёзди у. («Правда»,  
1988 йил, 13 феврал).

Меҳнатсевар, меҳмондўст очиқ кўнгил ва имони бутун халқнинг юзи ҳар доим ойдай ёруғ, булоқдек тоза бўлади. Уни бир-икки сохта мақолалар ёки ғаразли мақсадларда қилинган суҳбатлар билан бадном этиш қийин. Лекин бу, қинғирликлар заррача халқ обрўйига путур етказолмайди ҳам! Фақат бу қабих ишларни амалга оширган айрим ғаламислар ўзларининг ҳақиқий башараларини, халқимизга бўлган асл муносабатларини ошкор қилдилар, холос. Халқимизнинг ўлмас ибораси билан айтганда, «мевали дарахтга тош отилади-да!» Бутун ким порахўр, ким текинхўр, ким боқиманда эканлигини аниқ ажратиб оладиган вақт келди. Хуллас, шеър таъсирида кўнглимдан кечган ўй-фикрлар, айрим мулоҳазалар шулардан иборат. Афсуски, бир ўқиганда қалбингда исён учқунларини уйғотадиган, хотирангда муҳрланиб қоладиган бундай шеърлар жуда оз...

«Жавоб» атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг чинакам халқ шоири сифатида айрим нонкўр калвак кимсаларга берган ҳақиқий жавобидир! Энг муҳими тарих саҳифаларига битиладиган ва ўзлигини таниб бораётган ҳар бир авлод қайта-қайта ўқийдиган, ўқиб ёд оладиган жавобдир:

*О, халқим, очиқ кўл хотамсан азал,  
Атойи худо де майли меҳмонни.  
Лекин нонкўрларни учратган маҳал,  
Оғзига тиқ энди типратиконни.*

*(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1991 й.)*

## **ТАНҚИД ЮҚМАЙДИГАН ОДАМ**

Ҳой биродар, нима қиласиз оғзингизни чарчатиб? Яна бошқармамиз бошлиғи Тошқул Тошбердиевични танқид қилмоқчимисиз? Овора бўласиз. У кишига умуман танқид юқмайди. Тошқул акамиз танқиддан сал олдинроқ туғилган. Тўғрироғи, собиқ шўролар тузуми даврида бюроларда танқид эшитавериб-эшитавериб даққи бўлиб қолган.

Бюро дегани гўё тегирмонга ўхшарди. Тегирмондан бутун чиқиш осон эмасди. Бюрода танқиднинг барча оғир усулларида, синовдан ўтган турларидан исталганча фойдаланиш мумкин эди. Чунки компартия даврида танқиднинг тармоғи кенг, тури кўп эди. Яккама-якка, юзма-юз, гуруҳ-гуруҳ бўлиб танқид қилиш авж

олганди. Тўғри ва ошкора танқиддан кўра пинҳона уюштирилган танқид кўпроқ эди. Агар бирор яхши инсонни, етук мутахассисни ёки истеъдод эгасини бадном қилиш лозим бўлиб қолса, албатта унинг шаънига танқид уюштириларди. Ва бу танқидни тезроқ ошкор қилиш учун махсус мажлис чақириларди. Мабодо ўша инсоннинг адабини қаттиқроқ бериш лозим топилса, коммунистик партиянинг навбатдан ташқари Пленумида алоҳида масала қилиб кўриларди. Ана танқиду мана танқид... сиққанича эшитаверасиз. Охир-оқибат бу танқид сахнаси пардаси инфаркт билан ёпиларди. Бундай танқид ташаббускор, фикрчан одамни лоқайд, бепарво ва қўрқоқ кимсага айлантириб қўярди. Қўрқоқлик эса барча иллатларнинг дебочаси. Қўрқоқни истаган йўлга бошлаш, истаган гоёларга хизмат қилдириш осон. Шу боис ҳам собиқ мустабид тузум даврида не-не яхши инсонлар, улуғ зотлар гуруҳлар томонидан уюштирилган, танқид тифи орқали бадном қилинганлар, танқид қуроли билан қатагон этилганлар. Ўша даврларда тўда-тўда бўлиб танқид уюштириш анъанага айланган эди. Бу совет кишисининг энг юксак «фазилати» ҳисобланарди. Октябрат — октябратни, пионер — пионерни, комсомол — комсомолни, коммунист — коммунистни ва ҳатто ўз отонасини, қариндош-уруғини истаганича танқид қилиши мумкин эди. Танқид билан туғилиб вояга етиб, танқид билан оламдан ўтиб кетганлар ҳам бор.

Қуруқ пўписага, сохта бақир-чақирга ва беҳуда қўрқувга асосланган танқиднинг заррача фойдаси йўқлиги шўролар жамиятида исботланди. Шу сабаб Тошқул Тошбердиевичга танқид юкмайди. Исmlарига ўхшатма қилиб айтганда, у киши аллақачон танқиднинг тоши ва қулига айланган.

Бугунги мустақиллик даврининг рўй-рост ва ошкора бўлаётган фойдали танқиди акампизга бегона. Унчамунча танқидларни хушламайдилар. Афсуслар бўлсинким, танқидни ўзига яқин йўлатмайдиган, ўзига юқтирмайдиган бундай акалар сафи анчагина. Бундай кимсалар мустақил мамлакатимизда бўлаётган иқтисодий ва маънавий ўзгаришларга, турли соҳалардаги ислохотларга ров бўляптилар, холос.

Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, бизга рўй-рост, ҳалол ва ҳар томонлама таҳлил қилинган ошкора танқид зарур. Ва бундай танқидни тўғри қабул қилишга, ундан ишимизга фойда

келтирадиган хулосалар чиқаришга ўрганайлик. Фақат ожиз, ўз ишида амал-тақал қилиб, номига кун кўриб юрадиганларгина танқиддан қўрқадилар. Баъзан ошкора танқидни бўғишга уриниш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Ошна-офайнигарчилик, таниш-билишчилик йўллари билан танқидни ва танқид қилган кишини бадном қилмоқчи бўладилар.

Тоғдай қилиб мақтасанг майли, мойдай ёқади, лекин тариқдай танқид қилсанг, балога қоласан. Бу аҳволда жамиятда рўй бераётган камчиликларни, ил-диз отаётган иллатларни тузатиш қийин кечади. Танқид ва ошкоралиқдан йироқ, муҳит эса суви айниган ҳовузга ўхшаб қолади. Бундай бадбўй ҳовуз фақат атроф-муҳитни, тоза ҳавони булғашдан бошқа нарсага ярамайди.

Танқидни ҳар ҳар ким хил тушунади, ҳар хил қабул қилади. Ошкора танқидни тўғри қабул қилиш, тўғри тушуниш бу — юксак маънавият ва маданиятнинг белгиси. Маънавияти мустаҳкам раҳбар ва ўз шаъни ёки жамоаси номига айтилган танқидга ҳатто миннатдорчилик билдиради. Аслида танқид — дори. Ҳамма гап уни меъёрида ишлатишига боғлиқ. Танқид бировнинг шахсияти, ор-номусини оёқ ости қилиш дегани эмас. Танқид зинҳор фараз ва тухмат тошига айланмаслиги керак. Зеро, танқид келажакнинг мевасидир.

*(«Муштум», 1997 й. 2-сон)*

## КЕЧИККАН ТАВБА

*Воқеий ҳикоя*

Ўшанда учинчи синфда ўқирдим. Мактабимиз «Лагерь» деб аталадиган каттакон боғнинг чеккасида жойлашган эди. Айтишларича, мактаб биноси собиқ шўролар инқилобидан сўнг олис Сибирдан, Кавказдан сургун қилинган қулоқлар учун махсус қурилган экан. Бу жой элгинчи йилларгача махсус жазо лагери бўлганлигини биз, болалар кейинчалик катталардан эшитганмиз. Уларнинг изтироб билан айтишларича, Сибирдан сургун қилинган бечора қулоқларнинг кўпи иссиққа чидолмай оламдан ўтиб кетган экан. Тирик қолганлари оқланиб Ватанига қайтганлар. Жафокаш қрим-татарлар эса СССР парчалангандан кейин она-юртлари — Қримга кўчиб кетдилар.

Олтмишинчи йилларга келиб, мазкур бадбахт бино тўрт йиллик мактабга айлантирилган бўлиб, бор-йўғи кичкина йўлак ва иккита синф хонасидан иборат эди. Чап томондаги хона ҳайҳотдай бўлиб, шифти баланд ва ваҳимали эди. Деразаларнинг ярмигача гишт терилгани учун ҳам кўпинча кундуз кунлари чироқ ёкиб дарс ўтиларди. Мазкур хонада уч синф бола ўтириб, уч фандан дарс тинглардик. Ҳаммамизга барча фандан битта ўқитувчи дарс берарди. Унинг исми эсимда қолмаган, фамилияси Шагаева эди. Муаллиманинг кўзлари кичик, жуссаси озгин ва жингалак сочини ғалати бўёқларга бўяб юрарди. Сочи сариқ бўлиб сариқ эмас, кулранг ҳам эмас, аросат бир ранг эди. Хонанинг ўнг томонида ўтирган 1-синфларга «Алифбе»дан, ўрта қаторда ўтирган 3-синфда «Ўқиш китоби»дан ва чап томонда ўтирган 4-синфга «Арифметика»дан вазифа бериб, ўзи қанд-курс билан хўриллатиб чой ичарди. Тушунмаганини сўраган ёки бехосдан гапирган боланинг юрагини юлиб бақириб берарди. Ёки олдида турган оқ қандни башарасига отарди. Жаҳли тез, қўли қаттиқ, меҳри тош эди муаллимамининг. Қўли теккан жойнинг оғриғи икки-уч кунгача кетмас, ўрни ҳафта-

лаб кўкариб юрарди. Агар қулоққа ёпишса тамом — ўт чақнарди, ўт! Ундан ўлардай кўрққанимиз учун бошимизни эгиб, жимгина ўтириб дарс қилардик.

У бир куни дарс пайтида «Ўқиш китоби»нинг орасидан арабча ҳарфлар билан ёзилган бир варақа қоғозни топиб олди. Олди-ю заҳарли илондай вишиллаш бошлади. Унинг мушукникидай сарғиш-кўкимтир кўзлари вазабланганидан косасидан чиқиб кетай дерди.

— Ким ёзган буни?! — деб ўшқирди у худди ўта махфий ҳужжатни қўлга киритган терговчидай дардага билан.

— Мен, — дедим астагина унинг важоҳатидан чўчиб.

— Сен ярамас ҳали арабча ёзувни биласанми? Буни сенга анаву мулла, диндор буванг ўргатган, — дея баттар пишқириб кетди у. Сўнг мени жаҳл билан судраб доскага олиб чиқди. Чиқаман, деб тиззамни партанинг қиррасига уриб олдим. Танамдан гўё ўт чиқиб кетди.

— Ўзим ҳам ўйлаган эдим, арабчани сенга буванг мулла Жўра ўргатган бўлса керак, деб. Мулланинг боласи мулла бўларкан-да! Одамларни «Худо бор» деб алдагани етмаганидек, энди совет ёшларини бузаяптими, ярамас мулла?! Сен муллавачча фақат мактабимизга эмас, мендай илғор ва ҳалол коммунист шаънига иснод келтирдинг. Шошмай тур, муллача, сенга ҳам, партиямиз душмани бўлган бобонга ҳам кўрсатиб қўяман. Тавбанга таянтираман, сенларни, — деб кутилмаганда жон-жаҳди билан мени дўшпослай кетди. Юз-кўзларим аралаш мушт тушира бошлади. Бир маҳал ўнг қулоғимдан маҳкам ушлаб чунонам лағмондай чўздики, қулоғимдан қон отилиб кетди. Хуллас, ўзи уриб, ўзи қўйди. Ҳаммаёғим қип-қизил қонга бўялди... Синфдаги болалар кўрқувдан тошдай қотиб ўтиришди. Назаримда улар киприк қоқишга ҳам юраклари бетламай, анграйиб қолишганди...

Ўша кеча роса иситмалаб чиқдим. Тушларимда нуқул ўша бир варақ қоғозга ёзилган арабча ҳарфларни, сўзларни кўраман, холос. Ҳарфлар мени ҳимоя қилиб гўё муаллимани қувиб юрганмиш. Сўнг вазаб отига минган муаллиманинг важоҳатли қиёфаси пайдо бўлади...

Икки кун шу аҳволда ётдим. Уч-тўрт синфдошим яширинча келиб кўриб кетишди. Улар аҳволимни кўриб: «Энди арабча ёзма, арабча ўқима, ўқитувчимиз яна сени уради», деб ўзларича огоҳлантиришди.



Учинчи куни муаллиманинг шикоят хати бўйича уйимизга озгин, тез-тез гапирадиган қишлоқ шўроси раиси, баян бўйли елкадор милиционер ва давлат хўжалиги партия ташкилотидан вакил келди. Улар дастлаб бечора бобомни, сўнг мени обдон сўроқ қилишди. Мен бўлган воқеани гоҳ тугилиб, гоҳ қўрқиб гапириб бердим. Бобомдан тилхат ёздириб олишди.

Раҳматли бобожоним менга арабчани ўргатаман деб, анча вақтгача милицияга тергов берди. Партия аъзоси бўлмаса ҳам хўжаликнинг партия мажлисида муҳокама қилинди. Унда райком котибаси ҳам қатнашиб бобомни роса «сан-сан»лабди. Сўнг мажлисдан чиқиб кетишда депсиниб кетиб оёғи синибди шўрлик котибанинг. Ҳатто, милиционер мактабга келиб, уч синф ўқувчилар гувоҳлигида мендан тушунтириш хати ёздириб олди ва мени «туҳматчи»га чиқаришди.

Муаллима ўз «қаҳрамон»лигидан хурсанд бўлиб, гўдайтиб юрди.

Бобом: «Худога солдим, жазосини худо берсин!» дедилар.

Мен эса бобомнинг олдига «айб» иш қилгандай хижолат эдим...

Орадан қанча-қанча сувлар оқиб кетди. Биз оила аъзоларимиз билан Зарафшон соҳилида жойлашган Жалойир қишлоғига кўчиб кетдик...

Учинчи синфгача бирга ўқиган Бахтиёр исмли собиқ синфдошим билан «Тошкент—Бухоро» поездида тасодифан учрашиб қолдик. У гап орасида ўша даҳрий муаллиманинг ақдан озиб, савдони бўлиб қолганини бехосдан айтиб юборди. Бечора мактабдан ҳайдалгач, биз кўчиб кетган ҳовлининг атрофида айланиб юрганини Бахтиёрнинг ўзи бир неча марта кўрган экан...

(«Муштум», 2000 й, 6-сон)

## ТАШАББУСХЎР

### Монолог

Бундай одамни танимайман дейсизми? Танийсиз, акаси, танийсиз. Агар унинг ҳузурига бирор ташаббус ё янгилик жорий этиш учун кириб, кейин тарвузингиз қўлтигингиздан тушиб чиқиб кетган бўлсангиз яна ҳам

яхши танийсиз. Ҳа, ҳа, бу ўша! Унинг ташаббусни ҳам, ташаббускорни ҳам ёқтирмайдиган тунд башараси энди ялт этиб кўз олдингизга келди. У мажлисларда, йиғилишларда: «Қани янгилик!», «Қани ташаббус!», деб айюҳаннос солади-ю, агар бирор янгилик ё ташаббус ҳақида гапирсангиз, шартта бўғзингиздан олади, оғзингизга кафтини босади. Худди юҳога ўхшаб ташаббусни ютиб юборади, ташаббуснинг йўлини тўсади, янгиликдан қўрқади. Бундайларни ҳеч иккиланмай ТАШАББУСХҲҲР деса бўлади.

Собиқ шўролар даврида ташаббусхўрлар кў-ўп бўлган. Улар ҳақиқий ташаббус панада қолиб, сохта ташаббуслар, енгил-елпи янгиликларни кўкларга кўтарганлар. Ҳақиқий меҳнаткаш, олим, ишчи ё зиёли томонидан айтилган ташаббус доимо фирқа номидан эълон қилинган. Энг зўр ташаббусларни фирқа ўзиники қилиб олган. Шу билан яхши ташаббус ўз-ўзидан барҳам топган ёки умри қисқа бўлган. Афсуслар бўлсинки, ҳали ҳануз собиқ тузумдан қолган ташаббусни бўғиш, янгиликни вижимлаш касалидан батамом қутилганимиз йўқ. Бу ҳақда Президентимиз ҳам ўз маърузаларида қайта-қайта таъкидлаяпти. Ташаббусга кенг йўл очишга даъват этипти.

Боқимандалик одам боласи табиатидаги энг ёмон иллат. Бепарволик эса ана шу иллатнинг илдиз отишига олиб келади, маълум муҳитга кўникишга ўргатади. Бундай одамга ташаббус ёқмайди. Ташаббускорликни ҳам ёмон кўради. Янгиликка интилмайди, гўё бошқалар учун у ташаббус кўрсатиши, янгилик яратиши керакдай боқибегам яшайверади. Уларга амаллаб кун ўтса, биров мушугини «пишт» демаса бўлди. Агар шундай одам раҳбар бўлиб қолса-чи?! Унда ташаббус ўлди, ташаббус сўнди, янгилик барбод бўлди деяверинг.

Ташаббусга йўл бермаслик тараққиётга катта зиён етказади, ташаббусни бўғиш келажак пойдеворини барбод этади, ислоҳотларга тўсиқ бўлади, ривожланишнинг оёғига кишан солади. Ташаббуссизлик, ташаббусдан қочиш боқимандаликнинг урчишига кенг имкониятлар яратади. Ўртамиёна, савиясиз, саёз ва амал курсисига ёпишиб олган раҳбар ҳамиша ташаббусдан қўрқади, ташаббус ҳақида гапиришдан чўчийди. Ўзи раҳбарлик қилаётган корхона ё жамоага ташаббусни мутлақо яқинлаштирмайди. Агар бирор бир ходимдан ташаббус ҳиди чиқадиган бўлса, дарҳол

унинг «думини тутиш»га ҳаракат қилади, овозини ўчиради.

Нега бунчалар ташаббусдан қўрқасан, ташаббусхўр?! Нега ташаббус деса жонингга титроқ киради, оёғинг қалтирайди, кўзларинг мўлтирайди? Нега ташаббус сўзидан бунчалар қўрқасан?..

Ташаббус ҳар қандай ишнинг, барча соҳанинг қаноти ва жонидир. Ташаббус катта-кичик зафарларнинг калити. Ташаббус — эркин фикр, ташаббус — нури келажак. Президентимиз айтганидек: «Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!»

*(«Афанди», 2000 й. 8 февраль)*

## ҲАЁТНИНГ ЖАЖЖИ САБОҚЛАРИ

Қуш уясида кўрганини қилмаса, унда унинг қушлиги қаерда қолади?

\* \* \*

Бир оғиз оддий сўз билан ҳам бузиш, ҳам тузиш мумкин. Қудратингдан айланай, сўз!

\* \* \*

Болаликдан то кексайгунга қадар «одам бўл» деб такрор-такрор айтишади. Наҳотки, одамнинг бутун бир умри одам бўлиш учун етмаса?..

\* \* \*

Чироғинг мудом ёниб туришини истасанг, ҳар қандай шамолнинг йўлини ўз вақтида тўсгин.

\* \* \*

Хато қилиб, кечирим сўраш — жасорат. Кечирим сўраб, амал қилиш — мардлик!

\* \* \*

Минг машаққатлар билан эшик очсанг-у, остонадан ўтолмасанг қандай ёмон, қандай даҳшат?

\* \* \*

Яхши шеърда юк бўлиши керак, дейдилар. Лекин буни филдай шеърда чумолининг юки бўлиши керак, деб тушунмаслик лозим.

\* \* \*

Ҳасаддан бошқа дардга даво топилади. Лекин ҳасадгўйга ҳатто илоннинг захри ҳам кор қилмайди.

\* \* \*

Бировдан ўрганган ёмон одатни тарбиялаш мумкин. Бироқ ўша илат қонда бўлса — қийин.

\* \* \*

Чидам ва бардош деган сўзлар фақат инсон учун яратилган. Бу сўзларга фақат Инсон бардош бериб, фақат инсонгина чидаши мумкин.

\* \* \*

Таниқли ёзувчи Неъмат Аминов бир гал афсус билан шундай деди: «Бухорои Шарифдаги энг аслзода хонадонлар ароқ туфайли ҳалокатга йўлиқди». Минг афсус ва надоматлар бўлғайки, бу даҳшатли ҳалокат фақат Бухорода бўлган эмас... Собиқ шўролар тузуми даврида ичкилик бутун бир авлодни, халқларни ҳалокатга олиб келгани маълум-ку!

\* \* \*

Кўз ёши ғам билан шодлик ўртасидаги мувозанатни сақлайдиган ноёб тарозу.

\* \* \*

Хотинни қанчалик тарбия қилма, барибир у охиروқибат хотин бўлади.

\* \* \*

Адабиётнинг дарвозасида қоровул йўқ. Бе-емалол... чиқиб кетишинг мумкин.

\* \* \*

Айрим устозлар қачон катта бўласан, қачон улуғликни ўрганасан, дейишади-ю, ўзлари нуқул майдалиқдан сабоқ беришади.

\* \* \*

Кўзингга тик қараб ёлғон гапирган одамнинг аслида юзи ҳам, кўзи ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Муҳаббат оловига барча ёшдаги одамлар мубтало бўлишлари мумкин. Лекин ҳамма ёшда бахтли бўлиш қийин.

\* \* \*

Бечора «файласуф» келиб-келиб ошкоралик ва демократия даврида гапини йўқотиб қўйди.

\* \* \*

Бизда ҳақиқий танқидчилардан кўра, қораловчилар билан инкоршунослар кўпроқ.

\* \* \*

«Шарқ фалсафаси», «Шарқ донишмандлиги» тушунчаларини фақат дин билан бовлаш ҳақиқатга бир кўз билан қарашга ўхшайди.

\* \* \*

Ҳамиша сени эркалатган ҳаёт — зерикарлидир.

\* \* \*

Муҳаббат — асал билан аралаштирилган аччиқтош.

\* \* \*

У ҳамма асарни жаҳон адабиёти қолипига қўйиб ўлчайди. Ўзининг ёзганларини ўша қолипга солиштирсанг, гард ҳам бўлмай кетади.

\* \* \*

Тишингни тишингга қўй, ҳаммасига чидагин, дейишади. Унда шўрлик тиши йўқлар нима қиларкин?

\* \* \*

Енгилтак, саёз одамлар шарга ўхшайди. Арзимаган тасодиф билан ёрилиб кетади.

\* \* \*

Оломон бир-бирини қалбан ва маънан тушуниб етгандагина миллатга айланади.

\* \* \*

«Жон дўстим, жоним дўстим», деб жонингни «олганини» билмай қоласан.

\* \* \*

Ҳаётда хушёр бўлиб яшаган яхши. Лекин ўз соянгдан кўрқма!

\* \* \*

Ўртамиёна ва саёз ёзилган асарлар улкан иморат деворларига қўйилган синиқ, мўрт фиштларга ўхшайди.

\* \* \*

Итнинг важоҳати ва мақсадини ҳуришидан билса бўлади.

\* \* \*

Кўлида тош ушлаб юрганлардан эмас, дилида тош сақлаб юрганлардан кўрқ.

\* \* \*

Мушуклар йўқ жойда сичқонлар умргузаронлик қилади.

\* \* \*

Ҳар гал футбол ўйинини кўрганимда, ҳаётда тўпга ўхшаш одамлар борлигидан афсусланаман.

\* \* \*

Буюк санъаткор Шукур Бурхон теранликда Аму-дарёга ўхшайди...

\* \* \*

Зиёлиси яқдил ва яктан бўлмаган эл — адашган карвонга ўхшаб дайдийди.

\* \* \*

Ҳақиқатни айтишдан кўрқсанг, гапирма. Гапирдингми, унда ҳақиқатни айт!

\* \* \*

Абдулла Орипов шеърини тип-тиник, кўм-кўк осмон бағрида олис-олисларга учиб кетаётган тўп-тўп турналарнинг мангу армон кўшигини эслатади.

\* \* \*

Нўноқ ўқитувчи фақат нўноқ ўқувчининг эсида қолади.

\* \* \*

Сўзи сағир элнинг ўзи ҳам сағир бўлади. Она-сўз хор бўлган юртда барака унмайди. Ҳақ сўздан узилган ё ундан батамом айрилган миллат эса ҳар жиҳатдан сўқир ва маърифатсиз бўлиб қолаверади.

\* \* \*

Баҳорда ям-яшил япроққа муҳаббат сўзини битган эдим. Кузга келиб япроқ сарғайиб кетди. Ноилож?..

\* \* \*

Таниқли адиб Одил Ёқубов газетада ишлаган кезларида ушбу фикрни кўп такрорлар эди! «Газета қизиган тандир! Сен эса, оловнинг қаршисида турганини унутма».

\* \* \*

Кутубхоначи — маънавий табиб.

\* \* \*

Чин муҳаббат қалбнинг шундай жойида бўладики, уни на айта оласан, на йўқота оласан...

\* \* \*

Ҳар қандай ўткинчи шабада ёки енгил-елпи шамолларга дарҳол юз тугаверма, олдинда аччиқ бўронлар борлигини ҳам унутма.

\* \* \*

Узоқ вақт зулматга ўрганган одамнинг кўзлари ёруғликдаги ҳамма нарсаларни ёрқин кўравермайди.

\* \* \*

Муқаддаслик йўқолган жойда вайроналик бошланади.

\* \* \*

Ижодкор учун энг зўр тарғиботчи — истеъдод билан ёзилган асар.

\* \* \*

Тиши оғриган бемор, врачнинг омбуридан қўрқиб қулоғини кўрсатиб юборди.

\* \* \*

Отадан бевақт ажралиш — кўз олдинда улкан тор қулагандай гап.

\* \* \*

Камтаринлик — кийим эмас...



\* \* \*

Эркинликнинг ҳам меъёр ва мезони бор. Эркинлик ҳам эшиқдан, ҳам деразадан, ҳам туйнуқдан айюҳаннос солиш дегани эмас!

\* \* \*

Дўшиси йўқ дунё.

\* \* \*

Танасига қурт тушган дарахтнинг гуллашидан фойда йўқ.

\* \* \*

Гапираётган одамнинг сўзини қўққисидан бўлиш одобдан эмас. Бировнинг гапини тингламаслик эса тақаббурлик.

\* \* \*

Чин юракдан қилинган самимий дуо — бало-қазони қайтаради.

\* \* \*

Агар икки қўлингни маҳкам боғлаб қўйиб, сўнгра овқат егин, дейишса нима қиласан, эй баднафс?!

\* \* \*

Оиланинг сирини тўрт девор билади.

\* \* \*

Маҳмадона ва ўзбошимча одам охир-оқибат ўзи танлаган йўлининг гирдобига ғарқ бўлади.

\* \* \*

Олмосни фақат олмос кесади.

\* \* \*

Манфаат ва жигиддон бор жойда ҳар қандай меҳр-оқибатга путур етади.

\* \* \*

Тузни ялаш билан шакарга айлантириб бўлмайди.

\* \* \*

У хотинининг ортидан дадил гапириб, дадил юради.

\* \* \*

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз саҳнаси бор. Лекин ҳамма гап унда қандай намоён бўлишда.

\* \* \*

«Хушомад хўкизнинг белини синдиради», — деган ҳикматли ибора бор халқимизда. Лекин белни синдирар даражада хушомадгўй бўлиш учун ҳам талант керак.

\* \* \*

Машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов ниҳоятда учар бир шогирди ҳақида шундай деган экан: «Бу, ер юзингни оддим, осмонингга эҳтиёт бўл, дейдиган хилидан».

\* \* \*

Собиқ шўро тузуми тўғри ва доно фикрни ёмон кўрарди. Шу боис ойдин фикр — бўғилди, осилди, қатагон қилинди... Аслида ҳар қандай империя фикрдан кўрқади. Лекин империяни барибир фикр парчалайди, фикр қулатади.

\* \* \*

Фақат қабрларгина қулфсиз. Бироқ ундан чиқишнинг ҳеч бир иложи йўқ.

\* \* \*

Таниқли адиб Неъмат Аминов бир суҳбатда айтганидек: «ҳамма иллатнинг бошланиши — имонсизликда!»

\* \* \*

Катта курсида савлат тўкиб ўтирганда, сени улғайтирган кичик курсини тепиб юборма. Яна керак бўлиб қолиши мумкин.

\* \* \*

— Бошлиққа хабар қил, қутқарсин! — дебди қопқонга тушган каламуш шеригига.

— Нима бошлиқни ҳам туширмақчимисан? Ўзинг тушдингми, ўзинг қутил, ғаламис, — дебди шериги.

\* \* \*

Нуқул ўзини ўйлайдиган одам тухум ичида очилмай қолган «жўжа»га ўхшайди.

\* \* \*

Ёзувчи икки тоифа бўлади: бир тоифасига истеъдод берилади, иккинчи тоифага эса фақат мукофот. Истеъдод эгаси яхши асар ёзиб, халқдан олқиш олса, иккинчи тоифа фақат мукофоти учун қарсакка сазовор бўлади.

\* \* \*

Ҳасадгўйнинг вазифаси ҳам, мақсади ҳам — битта!

\* \* \*

Ижодкорлар ўртасида гуруҳбозлик авж олса, кўпроқ адабиётга жабр бўлади.

\* \* \*

Ишончсизликдан шубҳа туғилади. Шубҳадан — хато! Хатони тузатгунча умр ўтиб кетади.

\* \* \*

Демократия яхши. Лекин ундан таъмагирнинг, имонсизнинг, демагогнинг фойдалангани ёмон-да.

\* \* \*

Одамнинг тушуниб бўлмас даражада одамлиги шундаки, қилма, деган ишни албатта қилади.

\* \* \*

Манфаат қулига айланган одамнинг касал бузоқдан нима фарқи бор?

\* \* \*

Маҳаллийчилик балоси темирнинг зангига ўхшайди. Берилсанг адо бўласан!

\* \* \*

Жаҳолатнинг иддизи — билимсизликда, бирлашмасликнинг калити — маданиятсизликда!

\* \* \*

Афсус-надомат ёки пушаймон билан ярани тузатиб бўлмайди.

\* \* \*

Яхшилик мард инсоннинг белбоғига ўхшайди. Лекин афсуским уни ҳаммаям тақавермайди.

\* \* \*

У камтарлик либосини обдон кийиб олган тулқикўз.

\* \* \*

Ҳаёт экан, гоҳ шернинг, гоҳ итнинг, гоҳида эса эшакнинг хизматини қилишга тўғри келади.

\* \* \*

Хотин мудом орзу қилади. Эр ана шу орзуларни амалга ошираман, деб адоий тамом бўлади.

\* \* \*

Қўрқоқ одам бақироқ бўлади. Сувкелмасдан дамба қўяди.

\* \* \*

Эшак-ку эшак бўлгани учун қанграяпти. Сен шўрлик нима учун қанграйсан?!

\* \* \*

«Роман ёзганда ҳам, бир саҳифа ҳикоя ёзганда ҳам имон билан ёзиш керак. Адабиёт дегани, бу — имон», — дейди Неъмат Аминов.

\* \* \*

У отасининг обрўи соясида соядай яшаб ўтди.

\* \* \*

Барча ёмон иллатлар бир хил ва зерикарли ҳаётдан келиб чиқади.

\* \* \*

Буни қарангки, порахўрнинг ҳам «фалсафаси» бор.

\* \* \*

Катта талантларнинг ҳаммасида ҳам катта характерлар бўлавермайди.

\* \* \*

Айрим минбарлардан катта дарду қувончлар айтилади. Баъзан эса ёлғонлар ҳам...

\* \* \*

Ўзбекнинг кимлигини ўзбек бўлмагунча билмайсан.

\* \* \*

Буюк Ойбек — адабиётимизнинг фаришта сиймоси.

\* \* \*

Манфаат қулига айланган одам ожиз ва сотқин бўлади.

\* \* \*

Самимият йўқолган жойда мунофиқлик идиз отади.

\* \* \*

Маҳаллийчилик касали темирнинг зангига ўхшайди.

\* \* \*

Баъзи баҳсларда сиёсий маданиятдан кўра, сиёсий маҳмадоналик устунлик қилади.

\* \* \*

Қиз болада ҳаё, иффат, назокат ва самимият бўлмаса, гўё қуриган дарахтга ўхшаб қолади.

\* \* \*

Чивин обдон қанотлари, танаси ва юзларини эринмай «ювди»да шиддат билан учиб бориб ахлатга қўнди.

\* \* \*

Қайтиб чиқишни билмаган кўчага кирмаслик керак.

\* \* \*

Мансабда жоду бор. Ундан эҳтиёт бўлиш учун Камтарбойдан тез-тез дуо олиб туриш лозим.

\* \* \*

Бирор бир хато қилганимда ёки камчиликка йўл қўйганимда ўзимни ўзим юрагимдаги дорга осолмай қийналаман.

\* \* \*

У унчалик ёмон одам эмас, фақат фикр жиловдори  
холос.

\* \* \*

Киприкларингни қоқма жоним, акс холда юлдузлар  
тўкилади.

\* \* \*

Қўшнининг хўкизи йўқолса ашула айтиб излайди.

\* \* \*

Булут тоғ бўлолмайди.

\* \* \*

У шундай ишбилармон хотинки, эрини бойиб кет-  
гани қўймайди.

\* \* \*

Ёмондан гўр ҳам ҳазар қилади.

\* \* \*

Дунёда ҳалол бўлишдан ортиқ ҳалол машғулот йўқ.

\* \* \*

Одам иймон ва инсоф чизигидан чиқса, фалокатга  
йўлиқади.

\* \* \*

Ҳақиқат ҳақида гапириш, бу ҳақиқатпарвар дегани  
эмас.

## МУҲДАРИЖА

Жону жаҳонимсан, Ватан. *Публицистик гостон* . . . . . 3

### ЭССЕЛАР

Соҳибқирон руҳини шод этиб . . . . . 16  
Миллат пойтахти . . . . . 25

### БАДИЛАР

Олтин пойдевор . . . . . 36  
Дил гавҳари . . . . . 40  
Миллий ободлик йили . . . . . 42  
Қармананинг тақдири нима бўлади? . . . . . 46  
Йўқолсин қорозбозлик! . . . . . 49  
Истиқлол ва матбуот . . . . . 51  
Розилик ва огоҳлик асри . . . . . 53  
Халқ чеҳраси тоза . . . . . 56  
Танқид юқмайдиган одам . . . . . 60  
Кечиккан тавба . . . . . 63  
Ташаббусхўр . . . . . 65  
Ҳаётнинг жажжи сабоқлари . . . . . 68

**АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ**

**ДИЛ ГАВҲАРИ**

*Публицистик дoston, эсселар ва бадиалар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001

Муҳаррир *А. Бобониёзов*  
Рассом *К. Акчулаков*  
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Р. Бабаханова*  
Мусахҳих *Н. Мухамедиева*

Теришга берилди 24.05.2001. Босишга рухсат этилди 25.06.2001.  
Бичими 84x108/32. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли бос-  
ма табағи 4,2. Нашриёт-ҳисоб табағи 3,7. Адади 2000 дона. Буюртма  
№ 2038. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмаҳонаси.**  
**700083, Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41**